ҲОСИЛНИНГ ТАҚДИРИ ЭКИШ-НИНГ СИФАТИГА БОҒЛИҚ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 83 (12.436)

Якшанба, 7 апрель 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

СОЗ ЭКАЙЛИК

Ерга чигит тушди. «Оқ олтин» бойлигимизнинг пойдевори қурила бошлади. Бу давр деҳқоннинг миришкорлиги, унинг нодир тажрибаларни ва илғор агротехникани канчалик изчиллик билан амалга оширa билиши учун катта синовдир, чунки экиш фақат ерга уруғ ташлаш эмас. Ҳақиқий экиш ерга уруғ ташлаш олдидан тупроқни сифатли ишлаш, уруғнинг тақдири учун қураш, унинг бир текис, соғлом кўкариб чиқиши учун бутун чораларни олдиндан амалга ошириш демакдир.

Буни чуқур англаган, ўз тажрибасида синаб кўрган пахтакорлар экишга ҳар тарафлама яхши тайёргарлик кўрдилар ва экишни муваффақият билан бошлаб юбордилар. Поп ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг донгдор механизатори Меликўзи Умрзоков бошлиқ бригадада икки агрегат билан ҳамма ерга квадрат-уялаб чигит экилмоқда. Термиз ишлаб чиқариш бошқармасидаги Жданов номли колхозда айрим бригадалар чигитни экиб бўлди. Бошқа область ва районларда ҳам анчагина хўжаликлар, бўлим ва бригадалар юқори сифатлч тайёрланган ерларда экишни кучайтириб юбордилар.

Республикамиз пахтакорлари бу йил она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна пахта етиштириб беришга аҳд қилганлар. Улар бу улуғвор вазифани бажариш учун экиш кампаниясига қизғин тайёргарлик кўраётган бир пайтда партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларга кўрсатаётган доимий меҳрибонлигининг яна бир намунасини ифода этадиган буюк воқеа бўлди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахта харид нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга галла сотиш тўғрисидаги тарихий қарори пахтакорларимизнинг куч ва ғайратини ҳар қазонгидан ошириб юборди. Жуда кўп хўжаликлар, бригада ва звеналар қарорга жавобан пахта етиштиришни янада кўпайтиришга мунасиб ҳисса кўшиш учун янги мажбуриятлар қабул қилдилар.

Республикамизда бу йил 1 миллион 60 минг гектар ерга чигит квадрат-уялаб, 320 минг гектар ерга уруғни уяларга аниқ миқдорда ташлаб кетадиган сеялкалар билан экилади. Агротехниканинг бу прогрессив усуллари фақат пахта етиштиришни кўпайтиришгинина эмас, шу билан бирга ғўза парвариши даврида ишчи кучларини кўп миқдорда тежаш, машинада пахта теришга кенг йўл очиш, махсулот таннархини кескин равишда арзонлаштириш мақсадини кўзда тутади, энг муҳими, деҳқончилик маданиятини белгилайди, деҳқончилик маданияти эса ишнинг юқори сифатли бўлишини, ҳар бир пахтакор ва механизаторнинг миришкорлик кўрсатиб ишлашини тақозо этади.

Экиш даврида бу шартга қаттиқ амал қилиш лозим. Энг аввало, ер экишга сифатли тайёрланган бўлиши керак. Шудгорда бегона ўтларнинг илдиз отишига мутлақо йўл қўймаслик лозим. Чигитни паст-баланд ерга ташлаш, кесаги ўлмаган карталарга экиш каби ҳолларга мутлақо йўл қўймаслик лозим.

Ўтган йиллари шундай фактлар ҳам содир бўлдики, баъзи жойларда шудгор қилинган ерлар, хоҳ сифатли, хоҳ сифатсиз ҳайдалган бўлсин, фақат бороналаб чигит экилаверилди. Оқибатда чигит текис чиқмади, ғўза нормал ўсмади, карталарни ўт босиб кетди, мўл хосилга путур етди. Шунинг учун бу йил сифатсиз ҳайдалган шудгорни экиш олдидан чизеллаш, талаб қилинган жойларда енгил культивация ўтказиш тадбирларини изчиллик билан қўлланиш керак. Шўри тозаланмаган ерларга экилган чигит униб чиқмаслиги ҳаммага аён. Шундай экан, тоза ювилмаган ерларга чигит экишга мутлақо йўл қўймаслик зарур. Кўпинча, вақт зиқ келди, деб яхши ишланмаган, шўри чала ювилган карталарга ҳам чигитни эка бериш ҳоллари рўй беради. Бунга асло йўл қўймаслик шарт.

Афсуски, республикамизда экиш олди ишларининг бориши ҳали ҳам жуда кўп хўжалик раҳбарларига барча диққатни чигитни соз экиб олишга қаратмаётганликларини кўрсатмоқда. Ҳамма областларда чигит экиш бошланиб кетган бир даврда катта-катта майдонлар шу вақтгача ҳайдалмай туради, шудгор пешма-пеш экишга тайёрланмаётир, карталарни текислаш, кесакларини ўлдириш, бегона ўтларнинг ўсишига қарши кураш тадбирлари етарли кўрилмаяпти. Бундар ишимизнинг ёмон томони. Сирдарё областида ҳали 31 минг гектар ер экишга тайёр эмас, 11 минг гектар ернинг шўри ювилмаган, Самарқанд областида 93 минг гектар майдонга квадрат-уялаб чигит экилиши керак бўлгани ҳолда, жуда кўп колхоз ва совхозларда сеялкалар шунга мослаштирилмаган, экипажлар тахт қилинган.

Чигитни аниқ ташлайдиган сеялкаларда экилган майдонларда ҳосил 15 процент ошиши исботланган. Лекин, ана шу усулда экишга планлаштирилган майдонларни тайёрлаш, айниқса уруғликлар ҳозиргидан ҳамма ерда ҳам жуда қониқарсиз бормоқда.

Чигит экиш қиска муддатда ўтказиладиган кампаниядир. Бу кампания ўзи тараддудчиликка, ишнинг кўзини очиб ҳаракат этишни тақозо этади. Кимки, экишда сусткашлик кўрсатса, бир кун ва хатто бир соатни кўлдан берса, кейинчалик жуда кўп нарсани ютқизади. Экишни сифатли ўтказмаган деҳқон чигитни текис ундириб ололмайди, гектарнинг тўла бўлишини таъминлай олмайди, ғўза парваришининг юқори сифатли ўтказилишига эришолмайди.

Ҳозирги вазифа ҳамма «универсал»лар ва экиш агрегатларини ишга солишдан иборатдир. Мастерскойларда бироз машина қолмай далага чиқарилиши керак. Барча техника ва ишчи кучлари аниқ тузилган график асосида далага чиқарилиши, уларнинг юқори унум билан ишлаши учун барча шарт-шароитлар вужудга келтирилиши зарур. Агрономлар, раҳбар ходимлар доим далада бўлмоқлари зарур. Улар ерларнинг юқори сифатли тайёрланиши, чигитнинг канака ерга, қайси тартибда экилаётгани, уруғнинг тупроққа канчалик чуқурликда кўмилиши устидан қаттиқ назорат олиб боришлари зарур.

Чигит экишда ўринсиз шошилиш, шунингдек, сусткашлик яраймайди. Экиш даврида ҳар хил вазият рўй бериши, об-ҳаво ўзгариб туриши мумкин. Бинобарин, ҳар бир ғаним фурсатдан фойдаланиб, ҳар қандай шароитда ҳам экишни сифатли ўтказишни таъминлаш керак. Ҳар бир хўжаликда дала ишларини конкрет план асосида олиб бориш лозим. Бир қисм кучлар ер тайёрлашга, иккинчи қисм кучлар экишга қўйилиши, буларнинг иши ўртасида узилишга йўл қўйилмаслиги, ҳар бир экиш агрегати учун ерларни узлуксиз тайёрлаб бериш тадбирлари кўрилиши зарур.

Бу йил асосий майдонларда ғўза квадрат-уяларда ўсади. Шунга эришайликки, экиш даврида квадратнинг аниқлиги ва тўла гектар муваффақиятли таъминлансин.

Чигит экиш оммавий равишда кучайтириб юбориладиган вақт келмоқда. Мамлакатга мўл-кўл «оқ олтин» етказиб бериш учун шу кунларда мустаҳкам замин яратайлик. «Соз экайлик!» Бу — пахтакорларимизнинг жанговар шиори бўлиши керак.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Финляндия президенти Урхо Кекконенга табрик телеграммаси юборди. Н. С. Хрушчев шу табрик телеграммасида СССР билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома тузилган кунининг 15 йиллиги муносабати билан совет халқи ва СССР ҳукумати номидан самимий табрик йўллайди.

Урхо Кекконен Н. С. Хрушчев номига юборган телеграммасида Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқларига Финляндия халқининг чин кўнгилдан, самимий саломларини топширади.

Н. С. Хрушчев Финляндия бош министри Ахти Карьялайненга юборган табрик телеграммасида самимий дўстлик ва ўзаро ишонч Совет — Финляндия ҳамкорлигининг энг муҳим самаралари эканлигини ва бу самаралар ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Бош министр Ахти Карьялайнен Н. С. Хрушчевга юборган телеграммасида Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасида шу шартнома асосида вужудга келган дўстлик ва ишонч ҳар иккала мамлакатнинг туб манфаатларига муносибдир, деб таъкидлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Урхо Кекконен бир-бирларига табрик телеграммаси юбордилар. (ТАСС).

АНИҚ МИҚДОРДА ЧИГИТ ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИ ДАЛАГА ЧИҚДИ

Ҳарорат бир оз пасайди-ю, кейин ҳаво яна жўшиб кетди. Кўклам қуёшида тобга келган участкаларга механизаторлар аниқ миқдорда чигит экиш агрегатларини олиб чиқишди. Фарғона областининг Ленинград, Олтиариқ ва Поп ишлаб чиқариш бошқармаларидаги колхоз ва совхозлар дастлабки неча ўнлаб гектар ерга ҳар уяга белгиланган миқдорда чигит экдилар.

Туксизлантирилган чигитни аниқ миқдорда экишнинг афзалликлари катталигини ўтган йиллар тажрибаси кўрсатди. Бу усул ҳосилдорликни оширишдан ташқари, уруғлик чигит сарфини уч баравар камайтиришга имкон беради, чигитнинг униб чиқишини 2-3 кунга тезлаштиради, гўзани ярақалашга ҳожат қолдирмайди.

Қишлоқ меҳнаткашлари бу йилги кўкламда 46 минг гектар ерга, яъни жами пахта майдонининг қарийб тўртдан бир қисмига аниқ миқдорда чигит экишга қарор қилдилар. Бу нарса Фарғона областидаги пахтакор хўжаликларга пилла қурти боқишнинг долзарб кезларида бир неча минг кишини бу ишга бўшатиб олиш имкониятини беради.

(ЎзТАГ).

ТЕХНИКА — ИНСОННИНГ ДЎСТИ

УРГАНЧ. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасидаги Нариманов номли колхоз ўтган йили салкам 2 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 41 центнердан «оқ олтин» сотди. Бу йил колхоз пахтакорлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш тўғрисидаги қароридан руҳланиб, ҳар гектар ерда 43 центнер пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

Бунинг учун улар деҳқоннинг яқин дўсти — техникага таянмоқдалар. Ҳозир колхозда 24 та ҳайдов трактори, ўнлаб ўғитлаш машинаси, кўплаб автомашиналар ҳамда тирков асбоблари, насос станциялари бор. Ер текислашдан тортиб ҳосил йиғим-теримигача бўлган ишларнинг ҳаммаси механизация гарданига юкланмоқда. Чорвачилик фермалари ҳам механизациялаштирилянти.

Техникадан тўла-тўкис фойдаланиш учун колхозда хотин-қизлар ва ўрта мактабни битирган комсомол-ёшлардан механизатор кадрлар тайёрланмоқда.

Колхозда барча техникани сақлаш учун гараж қурилган. Гаражларда ремонт устахоналари бор.

Область партия комитети бу машъал колхоз механизаторларининг техникани сақлаш ва ундан фойдаланишдаги тажрибасини оммалаштириш мақсадида махсус қарор қабул қилди ҳамда техникани сақлашдаги тажрибасини бошқа хўжаликларга ёйиш учун ўз совхозий техника қўргинини ўтказди. Бундан ўрнак олган бошқа хўжаликларнинг механизаторлари ҳам техникани сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар.

С. ИБРОҲИМОВ.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

БУХОРО. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Доигдор механизатор Т. Охуновнинг қолоқ участкаларга ўтиб ишлаш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббуси областнинг колхоз ва совхозларида кенг кулоч ёймоқда. Ромитан ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхозининг коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Насриддин Пўлатов бу ташаббусга биринчи бўлиб кўшилди. Бу бригада аъзолари ўтган йили ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиб, 1 центнер пахта етиштириш учун 11 сўм маблағ сарфлаган эдилар. Ўртоқ Пўлатов ўтган йили 15 центнердан ҳосил кўтарган қолоқ бригадага ўтиб ишламоқда.

Бошқармадаги «Бухоро» колхозининг Бозор Тошов, «Коммунизм» колхозининг Убайдулла Толипов, Бухоро ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Маданият» колхозининг Ашур Эгамбердиев, «Ленинизм» колхозининг Шоди Ашуров каби пахта усталари ҳам қолоқ участкаларга ишлашга ўтдилар.

ИЛҒОРЛАР РАПОРТИ

Устьлабинскликлар ва янгийўлликлар ташаббусига қўшилган Янгиқўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг чорвадорлари мамлакатга мўл-кўл гўшт, сут, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқдалар. Молларни сўқимга қўйиш, қўйларни бўрдоқи қилиш давлатга тарози босадиган семиз мол топширишда катта роль ўйнаяпти. Ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли барча колхозларда моллари семиртириш яхши йўлга қўйилган.

Бошқарма бўйича давлатга 5.343 центнер гўшт топширилиб, биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Свердлов номли, «Гулистон» колхозлари гўшт сотиш йиллик планларини бажардилар. «Шарқ юлдузи», «Октябрь», Ленин номли колхозлар иккинчи квартал ҳисобига гўшт топширмоқда.

Бошқармага қарашли хўжаликларда тухум сотиш квартал плани 111 процент бажарилди., «Октябрь». Навоий номли колхозларда 1963 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига тухум топширилмоқда. «Нанай» совхози сут топшириш биринчи квартал планини 110 процент, «Заркент» совхози эса 133 процент бажарди.

И. НАРЗУЛЛАЕВ,
Ҳ. НУРИДДИНОВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози пахтакорлари бу йил 2.200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 25 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. Колхозда чигит экишга уюшқоқлик билан киришилди СУРАТДА: трактрочи Қаюм АБДУРАҲМОНОВ ва сеялкачи Зикриё ШОКИРОВ чигит экмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ БЮРОСИДА

6 апрелда Тошкентда КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўрта Осиё иқтисодий райони химия саноатини янада тезроқ ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил май Пленумидан кейин Ўрта Осиё республикаларининг партия, совет ва хўжалик органлари химия саноатини ривожлантириш юзасидан бирмунча иш қилганликларни кўрсатиб ўтилди. Шу давр ичида химия маҳсулоти ишлаб чиқариш 51,6 процент ошди, бир қанча янги корхоналар ишга туширилди, йирик химия заводлари қурила бошланди, ишлаб турган корхоналар кенгайтирилмоқда ва реконструкция қилинмоқда.

Бироқ, иқтисодий районда химия саноатини ривожлантиришда, айниқса капитал қурилиш соҳасида етти йиллик топшириқларидан орқада қолишга йўл қўйилди. Ўрта Осиё иқтисодий райони хом ашё, энергетика ва меҳнат ресурсларининг катта запасларига эга бўлишига қарамасдан, бу ерда ҳали ҳам полимер материаллар, пластмассалар, синтетик ва сунъий тола, минерал ўғит, заҳарли химикатлар ишлаб чиқариш кенг ривожлантирилмаган.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси иқтисодий районда химия саноатини ривожлантириш суръатларини кескин кучайтиришга қаратилган бир қанча конкрет тадбирларни белгилади.

Ўрта Осиё Бюроси Ўрта Осиё иқтисодий районидаги алоҳида муҳим саноат объектлари қурилишининг бориши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Ана шу объектлар қурилишининг суръатини тезлаштириш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди. КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси Ўрта Осиё иқтисодий районининг Халқ хўжалиги кенгаши ва Қурилиш бўйича давлат ишлаб чиқариш комитети зиммасига зарур моддий-техника воситалари ни, ишчи кучини алоҳида муҳим объектларга тўплаш ҳамда белгиланган тадбирларнинг ўз муддатида сўзсиз бажарилишини таъминлаш вазифасини юклади.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси Ўрта Осиё республикаларида кўкламги дала ишларининг ва чигит экишнинг бориши ҳақидаги ахборотни тинглади.

Ўрта Осиё колхозлари ва совхозлари деб таъкидланди мажлисда, етти йилликнинг бешинчи йилида 4 миллион 834 минг тонна пахта етиштириш юзасидан қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Пахтакор хўжаликлар кўпроқ техника, минерал ўғит, заҳарли химикат ола бошладилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш ҳақида ҳамда пахтакор колхозларга галла сотиш тўғрисида»ги қарори қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ғайратини янада ошириб юборди.

Ўрта Осиёдаги кўпгина колхозлар ва совхозлар ўртоқ Н. С. Хрушчев қўйган энг муҳим вазифани —гектаридан 25 центнердан кам пахта оладиган бирорта хўжалик бўлмасин, деган вазифани муваффақиятли бажариш учун тегишли тадбирларни кўрмоқдалар. Бу йил колхозлар ва совхозлар кўкламги дала ишларини ўтказиш соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ўзбекистоннинг Фарғона, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда, Қирғизистоннинг Ўш областида, Туркманистоннинг Калинин ва Кўҳна Урганч ишлаб чиқариш бошқармаларида ер ҳайдаш, шўр ювиш ва экиш олдидан суғориш, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ишлари ҳали вақтгача тугалланмаган. Органик ва минерал ўғитларни тайёрлаш ва далага ташиш қониқарсиз олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга, текшириш шуни кўрсатдики, Ўрта Осиё республикаларининг колхозлари ва совхозларида кўкламги дала ишларини ўтказишга соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ўзбекистоннинг Фарғона, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда, Қирғизистоннинг Ўш областида, Туркманистоннинг Калинин ва Кўҳна Урганч ишлаб чиқариш бошқармаларида ер ҳайдаш, шўр ювиш ва экиш олдидан суғориш, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ишлари ҳали вақтгача тугалланмаган. Органик ва минерал ўғитларни тайёрлаш ва далага ташиш қониқарсиз олиб бормоқдалар.

Ўрта Осиё республикаларининг кишлоқ область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари, колхозлар ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига мажжуд камчиликларни бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўриш, чигит ва бошқа экинлар экишни юқори сифатли ва ўз вақтида ўтказишни таъминлаш тавсия қилинди.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органларига хўжалик ичидаги партов ерларни ўзлаштириш, экин майдонлари структурасини такомиллаштириш ва гектарларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш ҳисобига пахта майдонларини кенгайтириш чораларини кўриш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё Бюроси қолоқ бригадалар, колхоз ва совхозларга ишга ўтган донгдор механизаторлар Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва уларнинг издошлари бошлаган ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Ўрта Осиё республикалари Компартиялари Марказий Комитетларига, қишлоқ область партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларига ва бошланғич партия ташкилотларига бу қимматли тажрибани кенг ёйиш таклиф қилинди.

Мажлисда Ўрта Осиё органларини тузиш ишларининг бориши тўғрисидаги ахборотлар тингланди. (ЎзТАГ).

РСФСР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

МОСКВА. 5 апрелда Катта Кремль саройида РСФСР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Мажлис РСФСР Олий Совети Раиси **В. И. Крестьянинов** раислигида очилди. **Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов** ўртоқлар ҳукумат ложаларига чиққанларида депутатлар ва меҳмонлар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Г. И. Вороновнинг якунловчи сўзидан кейин РСФСР Олий Совети кенг қарор қабул қилади.

Сўнгра Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг ўтган сессия билан шу сессия ўртасидаги даврда қабул қилинган Фармонлари тасдиқланади.

РСФСР Олий Советининг Президиуми раис, раиснинг ўн олти ўринбосари, Президиум секретари ва Президиумнинг ўн уч аъзосидан иборат составда сайланади. Ўртоқ Н. Г. Игнатов бир овоздан РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди.

Олий Совет РСФСР Министрлар Советининг составини тасдиқлайди. Ўртоқ Г. И. Воронов Россия Федерацияси Министрлар Советининг Раиси қилиб, **М. А. Яснов, Н. И. Смирнов** ўртоқлар Раисниг биринчи ўринбосарлари қилиб тасдиқланди.

Шу билан РСФСР Олий Совети сессияси ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

«ДАЛА МАЛИКАСИ»ГА КЕНГ ЙЎЛ

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Деҳқонлар орасида «Эрта экқан эрта хирмон кўтаради» деган мақол бор. Бу ҳикматли сўзга амал қилган маккажўхорикорнинг қўли баланд бўлади. Республикамиз шароитида маккажўхори ва оқжўхори уруғи ерга эрта ташланса, бир йилда бир майдондан икки марта силосбоп кўк-поя олиш мумкин. Бу эса чорва моллар учун мўл-кўл тўйимли озуқа — маккажўхори ва оқжўхори силоси тайёрлаш имконини беради.

Илғор маккажўхорикорлар ана шуни ҳисобга олиб, маккажўхори ва оқжўхорини мумкин қадар эрта муддатларда экишга интилмоқдалар. Тошкент область, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхознинг Узбекистон СССР Олий Совети депутати Роза Отабоева бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси маккажўхори экишни тугаллаб деб қолди. Бу бригада ўтган йили ҳар гектаридан 1803 центнердан думбул сўтали кўкпоя олган эди, бу йил эса камида 1850 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар. Бухоро область, Вобкент ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Охунбобоев номли колхознинг Узбекистон ССР Олий Совети депутати Очил Мўминов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам маккажўхори экишни кучайтириб юбордилар.

Лекин ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам маккажўхори ва оқжўхорини тезроқ экиб олиш учун имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Ана шундай жойларда экиш орқага сурилмоқда. Республикада 1 апрелгача белгиланган майдоннинг фақат 19,2 процентига маккажўхори ва оқжўхори экилди. Ҳолбуки, ўтган йили шу вақтга қадар бундан бир ярим баравардан зиёд майдонга экилган эди. Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРда экиш айниқса нечинтириб юборилаётир.

Бундай сусткашлик экиш планининг бажарилмай қолишига ва ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Ўтган йили кўпгина областларда ана шу жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Бу нуқсонларнинг бу йил яна такрорланмаслиги учун маккажўхори ва оқжўхори экишга шу кунларда зўр бериш, бу ишни чигит экиш ёппасига бошлангунча тугаллаш учун шошилинч чораларни кўриш, шу мақсадда маккажўхорикор бригадаларни бу ишга қизиққан ва масъулиятни чуқур ҳис қиладиган колхозчилар ҳамда совхозларнинг ишчилари билан мустаҳкамлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини тобора ошириш, техникадан тўла ва унумли фойдаланиш зарур.

Маккажўхори ва оқжўхори етиштиришда йўл қўйиб келинаётган катта камчиликлардан яна бири — бу экинлар бир неча майда бўлакларга жойлаштирилаётганлигидир. Бунинг натижасида нуч бўлиниб қолмоқда, экиш ва экинларни парвариш қилиш қийинлашаётир, эгасизлик юз бераяпти. Маккажўхори ва оқжўхори етиштиришга бундай нотўғри муносабатда бўлаётган колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан қаттиқ чоралар кўриш маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг, ишлаб чиқариш бошқармаларининг биринчи галдаги вазифасидир. Бу қимматли экинларни экиш учун алмашлаб экиш схемасига киритилган унумдор ерларни, яхлит участкаларни ажратиш, карталарни экиш олдидан яхши текислаш, ўғитлаш ва шудгорни нормал чуқурликда юмшатиш лозим. Шундай қилинса, экиш барвақт ўтказилади, маҳсулот етиштиришга кам меҳнат ва маблағ сарфланади.

Уруғнинг текис униб чиқишига эришиш, гектарларда ўсимлик тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш учун ишнинг сифатига алоҳида эътибор бериш, илжи борича кўпроқ майдонга уруғни квадрат-уялаб экиш керак. Колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бошқармаларининг агрономлари иш устидан контролликни кун сайин кучайтиришлари, экишда агротехника қоидасининг заррача бузилишига йўл қўймасликлари, сифатсиз қилинган ишни бракка чиқариб, уни айбдорлар ҳисобига қайта бажартиришлари зарур.

Тўйимли озуқани кўпроқ жамғариш йўли билан чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун маккажўхори ва оқжўхорини барвақт экиб, ундан мўл ҳосил етиштирайлик.

«... Жойлардаги контроль органлари... маҳаллий партия комитетлари, партия ва совет ташкилотлари билан биргаликда партиянинг Программасини амалга оширишда, коммунистик қурилишга раҳбарликни яхшилашда, КПСС XXII съездининг қарорларини бажаришда партияга актив ёрдам беришлари лозим. Уларнинг вазифаси — партия ва ҳукумат директивларининг амалда бажарилишини текшириб боришдан иборат».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

Жамоатчилик контроли

ОММАНИНГ КОЛЛЕКТИВ НАЗОРАТИ

Партия ва давлат қурилишида контролни ва ижрони текширишни тўғри ташкил этиш сиёсий-хўжалик вазифаларини тез ва муваффақиятли ҳал этишнинг гаровидир.

Биз бутун фаолиятимизда ана шу принципларга асосланиб иш кўрмоқдамиз. Иштихон ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича партия-давлат контроль комитети составида қандай кишилар ишлаётганлиги бу контролнинг чинакам халқчил ва оммавий негизда қурилганлигини кўрсатиб турибди. Комитет аъзоси ўртоқ Қулаҳмедов кекса большевик, пенсионер. У Владимир Ильич Ленин томонидан тузилган Ишчи-Деҳқон Инспекциясида хизмат қилиб, контроль ишларини уюштиришда катта тажриба тўплаган киши. Шунингдек, комитет аъзолари орасида «Халқобод» колхозининг илғор аъзоси Жалилова, район маданият уйининг директори Раҳмонқулова, ишлаб чиқариш бошқармасининг мутахассиси Эркаев ва бошқа ўртоқлар бор.

Комитет ҳузурида тўртта штатсиз бўлим ишлаб турибди. Буларнинг бири ариза ва шикоятларни текшириш, иккинчиси механизаторлар томонидан бериладиган маслаҳат, таклиф ва тавсияларни ўрганиш билан шуғулланади. Бошқа бўлимлар соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва шунга ўхшаш ишларни олиб боради. Комитетнинг 27 кишидан иборат штатсиз инспекторлар группаси бор. Булардан 14 киши қишлоқ хўжалиги мутахассисидир.

Партия-давлат контроль комитети кучли таянчга — жойларда 1061 кишини уюштирган кўмаклашиш группалари ва постларига эга. Кўмаклашиш группалари ва пост аъзоларининг кўпчилигини колхоз ишлаб чиқаришининг новаторлари — пахта усталари, сут согувчилар, чўпонлар, агрономлар, зоотехниклар ташкил этади.

Комитет, кўмаклашиш группаси ва пост аъзоларининг асосий эътиборлари кўкламги экишга тайёргарликни яхши уюштириш, моддий-техника ресурсларидан тўғри фойдаланиш, чигит экишни қисқа муддатларда юқори сифатли ўтказишга қаратилди.

Каттақўрғон темир йўл станциясида кўпгина хўжаликлар учун белгиланган минерал ўғитлар ташиб олинмаётганлиги ҳақида сигнал олинди. Биз бу ерда оммавий текшириш ўтказдик. Шу нарса аниқландики, Охунбобоев номли, «Октябрь», Куйбишев номли, «8 Март», «Иттифоқ» ва Навоий номли колхозларнинг 600 тоннадан зиёдроқ ўғити бир неча ой мобайнида ташиб олинмай ётган. Бунга бир томондан колхоз раҳбарлари талабчан эмаслар. Натижада ўғитнинг бир қисми нобуд бўлган. Биз бу масалани комитет йиғилишида муҳокама қилдик. Моддий бойликлардан фойдаланишга эътибор бермаган айрим колхоз раҳбарларини қаттиқ огоҳлантирдик. Шундан кейин комитет қабул қилган қарорнинг ижроси устидан контроль олиб бордик. Колхозлардаги ва автобазалардаги машиналарнинг бир қисми шу ишга сафарбар этилди.

Район матлубот жамияти ҳузуридаги кўмаклашувчи группа Каттақўрғон базасидаги аҳволни ўрганди. Бу базада 180 вагон ҳар хил моллар узоқ вақт бўшатилмай ётган. Кўмаклашувчи группа хўжалик ходимларининг иштирокида ана шу аҳволни муҳокама қилди ва барча вагонларни ўн кун муддат ичида бўшатишни зарур деб ҳисоблади.

«8 Март» колхози кўмаклашиш группасининг раиси зоотехник ўртоқ Мейлиев ўз аъзолари билан биргаликда чорвачилик фермасида сигирлар қандай ва қай тарзда боқилаётганлиги ва олинган маҳсулот нималарга сарф этилаётганлигини ўрганди. Бу ерда маълум бўлишича, соғилган сут нотўғри ҳисобга олинган, сводкаларда кам кўрсатилган, сутнинг бир қисми талон-торож этилган. Коллектив хўжалик манфаатларига зарар келтирувчи бундай нотўғри ишнинг олди олинди, ферма учётчиги ишдан четлаштирилди. «Ўзбекистон» колхози ва «Сельхозтехника»нинг район бўлими ҳузуридаги кўмаклашиш группалари ҳам ўз ишларида дастлабки натижаларга эришдилар. Улар оммавий текширишлар ўтказиш йўли билан хўжаликнинг ҳамма соҳаларида қатъий интизом ўрнатишга ва ходимларда топширилган иш учун масъулият ҳиссини кучайтиришга эришмоқдалар.

Б. НОРМАТОВ,
Иштихон ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича партия-давлат контроли комитетининг раиси.

КАМЧИЛИКЛАР ТУГАТИЛМОҚДА

Совхозимизда ташкил этилган партия-давлат контроли комитетига кўмаклашиш группаларининг иш бошлаганига ҳали унча кўп вақт бўлган эмас. Лекин кенг жамоатчиликнинг актив иштирокида олиб борилаётган оммавий контроль қандай кучга эга эканлиги тез орада хаммамизга маълум бўлиб қолди.

Совхоз кўмаклашиш группаси составида 33 киши иш олиб бормоқда. Булар ишлаб чиқаришда самарали меҳнати билан ўзини кўрсатган, обрўли, ишчан, зийрак кишилар дир. Кўмаклашиш группасининг 6 кишидан иборат бюро аъзолари — экономист Тоштемир Тожибоев, чорвачилик фермасининг ҳисобчиси Толибжон Ҳамроалиев, механик Тиллабой Азимов, қурувчи Усуфжон Йўлдошевлар ўз вазифаларини яхши англаган ҳолда совхознинг бутун ҳаётига кучли таъсир кўрсатмоқдалар. Улар маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, ички резервларни қидириб топиш ва ишга солиш масалаларига жиддий эътибор бермоқдалар, кўзбўямачилик, интизомсизлик, ўғирлик ва тўрачилик каби иллатларга қарши кескин ўт очмоқдалар.

Кўмаклашиш группаси яқинда бўлим ва бригадаларда кўкламги экишга тайёргарликнинг боришини текширишдан ўтказди. Совхознинг марказий ремонт устахонасида трактор ва механизмлар ремонти сust борар эди. Бунга сабаб зарур запас қисмлар етишмасди.

Текшириш якуни совхоз партия ва комсомол ташкилотларининг кўшма йиғилишида муҳокама қилинди, ишга халақит берётган ҳато ва камчиликлар очиб ташланди. Кўмаклашиш группасининг аъзолари сўзга чиқиб ўз фикрларини конкрет факт ва мисоллар билан асослаб бердилар ва нуқсонларни тугатиш учун нималар қилиш зарурлигини айтдилар.

Йиғилиш белгилаган тадбирлар кўмаклашиш группаси аъзоларининг актив қатнашуви билан тез кун ичида амалга оширилди. Бунинг натижасида умумий ишда кескин силжиш ясалди.

Партия-давлат контроли органларининг кўп звеносида ишловчи кишилар ўз ишларига меҳр-муҳаббат кўйсалар, бу шарафли вазифани сезгирлик ва жонкуярлик билан амалга оширсалар, умумхалқ контроли жуда катта натижалар беришини ўтказилаётган текширишлардан равшан кўриб турибмиз.

С. ИСМОИЛОВ,
Фарғона область, Олтариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Риштон» совхози кўмаклашиш группаси бюросининг раиси.

АМАЛИЙ ЁРДАМ

Чилонзор массивидаги кўчаларнинг бирида қурилаётган 96 квартирали уйда ишловчи сувоқчилардан бири бригадиридан сўради:

— Ашур, ишимизни бунчалик синчиклаб текшираётганлар кимлар, қаердан келишган?

— Булар кўмаклашиш группасининг аъзолари. Сендан гап эмас, улар амалий иш талаб қилишади.

Коммунист Алексей Иванович Алексеев бошчилигидаги кўмаклашувчи группанинг аъзолари ҳақиқатан ҳам қурилишдаги ишларнинг боришини жиддий текшираётган эдилар. Улар камчиликларни аниқлаш билангина кифояланмай, уни дарҳол тузатишни ҳам талаб қиладилар.

Кўмаклашиш группаси текширишни бошлаган куни қурилишдаги 16 кишидан иборат сувоқчилар бригадаси ўз вазифаси билан эмас, балки бошқа ишларда банд эди. Натижада улар ўзларининг асосий ишлари бўйича белгиланган нормаларини бажармадилар.

Группа аъзолари 84 квартирали уй қурилишида ҳам худди шундай аҳволни учратгач, бу масалани умумий партия йиғилиши муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Йиғилишда коммунистлар кўмаклашиш группаси аъзоларининг мулоҳазаларини тўғри деб топдилар ва уларнинг фикрларини янги мисоллар билан тўлдирдилар. Йиғилиш камчиликларни тузатиш чоралари белгиланган қарор қабул қилди. Лекин қарор қарорлигича қолиб кетмади. Уни дарҳол бажаришга киришилди.

Кўмаклашиш группасининг ишларига трест партия бюроси яқиндан ёрдам бермоқда. Бюро аъзолари улар билан тез-тез учрашиб, фикр алмашадилар, конкрет тадбирлар белгилайдилар.

И. ЗИМИН,
«Узоргтехстрой» трестининг арматурачиси.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Карл Маркс номли колхоз бир неча йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажара олмай, давлатдан қарздор бўлиб қолаяпти, ҳосилдорлик йилдан-йилга пасайиб кетяпти. 1962 йилда хўжалик гектаридан 18 центнерга етар-етмас пахта олди. Чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш планлари ҳам ўлда-жўлда қолиб келяпти.

Нега шундай ачинарли аҳвол юз берди? Бу саволга колхоз раиси С. Шукуров «техника етишмаяпти, малакали механизатор кадрларга муҳтожмиз, бошқа хўжаликлар га нисбатан минерал ўғитни кам оляпмиз», деган важ кўрсатади.

Ҳақиқатда шундайми? Ховос ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича партия-давлат контроли комитети яқинда Карл Маркс номли колхозда комплекс текшириш ўтказиб, С. Шукуровнинг гаплари сабаб эмас, балки правлениенинг ва, хусусан, ўзининг фаолиятсизлигини ниқоблаш учун ўйлаб топилган уйдирма, баҳона эканини аниқлади.

Хўжаликда 35 та қишлоқ хўжалик машинаси бор. Уларнинг ҳаммаси тўла ишга туширилса, чигит экишдан тортиб, пахтани йиғиб-териб олишгача бўлган ҳамма ишларни комплекс механизациялаш мумкин. Афсуски, техникадан қониқарсиз фойдаланиляпти. Ҳар куни атиги 17-18 қишлоқ хўжалик машинаси ишлайди. Колхознинг неча минг сўм маблағи сарфланиб сотиб олинган тракторлар, уларга тиркалиб ишлатиладиган агрегатлар лойга қоришиб, занглаб ётибди. Ўтган йили колхоз бўйича машиналар қувватидан фойдаланиш коэффициенти атиги 32 процентни ташкил этгани правление ва партия ташкилоти раҳбарларига маълум эмасмиди?

Бошқарма бўйича партия-давлат контроли комитети ўз вазифасига ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан қараган автотрактор паркининг мудири Қ. Худойқуловни ишдан олди.

Карл Маркс номли колхоз чорва маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотишда ҳам сўнгги ўринлардан бирида келди. Ўртадан паст семизликдаги мол, қўй, чўчқалар гўштга топширилиши туфайли фермаларда туёқ сони камайиб кетди. Бу ерда бўрдоқичилик базаси ташкил қилинмаган. Аксинча, ферма мудири Э. Абдужабборов коллектив хўжаликнинг ем-хашаги ҳисобига ўзининг хусусий молларини боқиб семиртириш билан шуғулланди ва бунинг эвазига шахсий бойлик орттирди.

Партия-давлат контроли комитети қарори билан Э. Абдужабборов вазифасидан четлаштирилди.

Пахта ҳосилдорлигининг ошмаслик сабаблари атрофлича таҳлил этилди. Колхозда тўла гектар, ғўза тупининг бир хил қалинликда бўлиши учун кураш олиб борилмади. Чигит экилиши лозим бўлган карталардан йўл ва йўлкалар чиқарилган, ариқ-зовурлар олинган. Натижада пахта майдони камайиб кетган.

Колхоз правлениеси, бригада бошлиқлари янги ер очиш ҳисобига экин майдонларини тўлдириш, тўла гектар бўлишига эришиш ўрнига ишнинг осонини кўзлаб, «гектар тўла» деб қўяверганлар. Ҳосил ҳар уя, ҳар туп ғўзадан олинади, шу сабабли йил охирига келиб, бу ерда пахта тайёрлаш давлат плани барбод бериларверган. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараган бригадабошиларидан Х. Полвонов, Ш. Маликовлар ишдан олиб ташланди.

Бошқарма бўйича партия-давлат контроли комитети колхоз правлениесига йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш, 1963 йил кўклам экин кампаниясини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан конкрет маслаҳатлар берди.

М. НАЗАРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

ТАЙЁРЛОВЧИЛАР ҚАНИ

Бир маҳаллар томорқаларга буғдой, арпа, шоли экардик. Бора-бора колхозимиз тўқ, ҳамма нарса етарли бўлгач, уй олдини боғ-роғ қилдик. Мана энди меваларимиз ўзимиздан ортиб, бошқа жойларга элтиб сотишга етмоқда. Аммо биз ишни ташлаб ҳеч қаёққа бормаймиз. Давлат колхозчилар ва аҳоли қўлидаги ортиқча маҳсулотни харид қилиш ва шаҳар меҳнаткашларига сотишни уюштириш ишини матлубот кооперацияси ва унинг махсус тайёрлов идораларига топшириб қўйган.

Афсуски, Хоразм область тайёрлов идораларининг ходимлари ўзларига топширилган бу муҳим ишни ҳали-ҳануз қилмаётирлар. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Димитров номли, Киров номли, «Коммуна» колхозларининг аъзолари қиш ичи сақланган узумларини кооперация ходимларига ўтказолмадилар. Шундан кейин улар Урганч тайёрлов пунктига борib, узумларни сотиб олишга илтимос қилдилар. Аммо у ердаги ўртоқлар бир килограмм узумни 20 тийиндан ортиғига олмаймиз деб туриб олди.

Хоразм область районларида узумни сота олмагач, Қорақалпоғистон АССРнинг қўшни районларига мурожаат қилдик. Шундан кейин уларнинг вакиллари келиб, хоразмликлардан 27-28 февраль кунлари 17 тонна узум харид қилиб кетдилар. Аммо шунда ҳам жуда кўп колхозчининг узуми сотилмай қолди. Вақт ўтиб бораётгани учун сақланган узумлар сасиб қолаётир. Масалан, А. Полвонов, Ж. Матмуродов, П. Қаландаров, Х. Бердиев, А. Авезов сингари колхозчилар неча юз килограммлаб узумини ташлаб юборишга мажбур бўлдилар. Баъзи деҳқонлар ўз меваларини вақтида сота олмагач, токларини кесиб ташламоқчи бўлаётир. Агар шундай ҳол юз берса, бунга фақат тайёрлов идораларининг нўноқ раҳбарлари айбдор деб ҳисоблаймиз.

Хоразмда тайёрлов органлари ишларини тубдан яхшилаш керак.

А. ТОЖИЕВ,
Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Димитров номли колхоз аъзоси.

ТОШКЕНТ транспорт машинасозлиги заводида тузилган партия-давлат контроль комитетига кўмаклашиш группаси аъзолари амалий иш бошлаб юборишдилар. СУРАТДА кўмаклашиш группаси аъзолари (чапдан ўнгга): слесарь, коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи В. А. БЕЛОВ, инженер-конструктор Е. МАМЕДОВ, мастер Н. РАСУЛОВ, слесарь, коммунистик меҳнат зарбдори В. Ф. ШЧЕРБАКОВ ўртоқлар ишлаб чиқарилган компрессорнинг сифатини текширмоқдалар. И. Глауберзон фотоси.

ХАЛҚ КОНТРОЛЁРЛАРИ ҲАРАКАТДА

ОММАВИЙ ТЕКШИРИШДА ОЧИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР

Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармаси бўйича партия-давлат контроли комитети колхозларда минерал ўғитларни ташиб олиш, уларни сақлаш, техникани асраш ва улардан фойдаланиш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан оммавий текширишни ўтказди. Бунга колхозлардаги кўмаклашиш группалари аъзолари ҳамда жамоатчилик вакилларидан 300 га яқин киши қатнашди.

Текширишда кўпгина жиддий камчиликлар аниқланди. Энгельс номли колхознинг Мустафо Турсунов бошлиқ биринчи бригадасида уч тонна сульфат аммоний билан саккиз тонна суперфосфат очиқ майдонда аралаштирилиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ўғит тагидан намланиб, тепадан эса қор-ёмғир таъсирида ўз кучини йўқотган. Нур Тўёв бошлиқ бригадада ҳам 24 тонна ҳар хил минерал ўғит аралашган ҳолда очиқ ерда сақланмоқда.

Калинин номли ва «Ленинизм» колхозларида қайси бригадага қанча минерал ўғит берилгани тўғрисида ҳисоб-китоб юритилмаган. Натижада айрим бригадалар сақлайдиган жойи бўлмагани ҳолда ортиқча ўғит олиб, уни очиқ ерда сақламоқда. Рамазон Эргашев бошлиқ бригадада худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Бригадирнинг бепарволиги оқибатида очиқ майдонга тўкиб қўйилган 30 тоннадан ортиқ минерал ўғитни ҳар кимлар ташиб кетиб, талон-торож қилмоқда. Партия-давлат контроли комитетининг актив группалари шу бригада аъзоси Ж. Рўзиевни суперфосфатдан ташиб кетаётганида қўлга туширдилар.

«Ленинград» колхозининг айрим бригадаларида «СУЗ» аппаратлари, сеялкалар, культиваторлар ва бошқа хил қишлоқ хўжалик машиналари очиқ жойга ташлаб қўйилган. Оқибатда неча минг сўмлик механизмлар қор-ёмғир остида занглаб ётибди.

Бошқарма колхозларида ерларнинг шўрини ювиш учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айниқса «Партия XXII съезди» колхозидаги М. Сафаров, Б. Эргашев, Р. Тўраев бошлиқ ва бошқа бригадаларда ерлар чала суғориляпти.

Рейд аъзолари очиб ташлаган бу ва бошқа камчиликлар бошқарма бўйича партия-давлат контроли комитети йиғилишида кенг муҳокама қилинди. Колхозда умуман қўзилатиш кампаниясига ҳозирлик кўришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўпчилик отарларда янги туғилган қўзиларни сақлаш учун палаткалар тайёрланмаган, қўшимча ем-хашак етказиб берилмаган, бўғоз совлиқ ва эчкилар алоҳида ажратиб боқилмай бошқа қўй-эчкилар билан аралаштириб боқилаётир.

Фермаларда меҳнатни ташкил этиш ва чўпонлар ўртасида меҳнатни тўғри уюштиришга аҳамият берилмаётгани очиб ташланди. Масалан, Алибой Кийиков бошлиқ қўрада уч кишига 30 бошдан қўй тўғри келгани ҳолда, Т. Исмоилов қўрасида ҳар чўпонга 346 бош қўй-эчки тўғри келади.

Колхоз давлатга «Ўзбекистон» зотли эчкиларидан майин жун етказиб беришда салмоқли ўрин тутади. Жун қирқишга пухта ҳозирлик кўрилиши керак. Бунинг учун жун қирқувчи кадрларни тайёрлаш, жой ҳозирлаш, тегишли тайёргарлик ишларини кўриш лозим. Аммо бу муҳим кампанияга колхозда ёмон ҳозирлик кўриляпти.

Кўмаклашиш группаси аъзолари бу камчиликларни тезда бартараф қилиш юзасидан конкрет таклифлар ва маслаҳат бердилар. Колхоз правлениеси, ферма ходимлари ишдаги камчиликларни тузатишга киришди.

С. АҲМЕДОВ,
Поп район статистика бўлимининг старший инспектори.

ЧОРВАНИНГ НАРВОНИ

«Партия XXII съезди» колхозида партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группалар тузилгач, группа аъзолари ишни нимадан бошлаш зарурлигини ўзаро маслаҳатлашдилар. Группа бошлиғи коммунист ўртоқ Х. Раҳимов колхоз экономикасига оид бир қанча мисоллар ва рақамлар келтирди. Шунда ҳамма бир овоздан чорвачилик аҳволини чуқурроқ ўрганиш кераклигини айтди.

Бунга асос бор эди. Чунки, колхоз ўтган йили сут соғиб олиш планини атиги 69 процент адо этган эди, холос. Бунинг устига анчагина қорамол қисир қолдирилган эди. Бу ишдан хабардор кишиларнинг айтишича, аҳвол бу йил ҳам ўзгармаяпти.

Шундан кейин группа аъзолари чорвачилик билан чуқур таниша бошлади. Дастлабки пайтдаёқ ферма мудирлари Р. Эрматов, Н. Мансуров, зоотехник В. С. Демин ўз ишларига юзаки муносабатда бўлаётганлари аниқланди. Соғин сигирлар учун ажратилган лавлаги фермага келтириб берилмаётир, аксинча қўй-эчкиларга едирилмоқда. Силос ҳам етарли даражада тайёр берилмаяпти. Бунинг оқибатида янги йилнинг уч ойи ичида пландаги 16,3 тонна ўрнига 12,7 тонна сут соғиб олинди, холос. Ҳозиргача 98 бош сигир ва ғунажин қочирилгани йўқ.

Отарларда қўй-эчкилар болалай бошлади. Аммо туғилган қўзиулоқларнинг ҳисобини олишга ҳамон киришилмаган. Чўпон Мирзатилло Азимов отарида 40 бош, Тўхтар Шанаев отарида 41 бош қўзи туғилганига анча бўлса-да, ҳамон туғилиш акти тўлдирилмагани аниқланди. Колхозда умуман қўзилатиш кампаниясига ҳозирлик кўришда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўпчилик отарларда янги туғилган қўзиларни сақлаш учун палаткалар тайёрланмаган, қўшимча ем-хашак етказиб берилмаган, бўғоз совлиқ ва эчкилар алоҳида ажратиб боқилмай бошқа қўй-эчкилар билан аралаштириб боқилаётир.

Фермаларда меҳнатни ташкил этиш ва чўпонлар ўртасида меҳнатни тўғри уюштиришга аҳамият берилмаётгани очиб ташланди. Масалан, Алибой Кийиков бошлиқ қўрада уч кишига 30 бошдан қўй тўғри келгани ҳолда, Т. Исмоилов қўрасида ҳар чўпонга 346 бош қўй-эчки тўғри келади.

Колхоз давлатга «Ўзбекистон» зотли эчкиларидан майин жун етказиб беришда салмоқли ўрин тутади. Жун қирқишга пухта ҳозирлик кўрилиши керак. Бунинг учун жун қирқувчи кадрларни тайёрлаш, жой ҳозирлаш, тегишли тайёргарлик ишларини кўриш лозим. Аммо бу муҳим кампанияга колхозда ёмон ҳозирлик кўриляпти. Кўмаклашиш группаси аъзолари бу камчиликларни тезда бартараф қилиш юзасидан конкрет таклифлар ва маслаҳат бердилар. Колхоз правлениеси, ферма ходимлари ишдаги камчиликларни тузатишга киришди.

С. АҲМЕДОВ,
Поп район статистика бўлимининг старший инспектори.

ИЗЧИЛЛИК

Андижондаги «Коммунар» заводи партия ташкилоти ҳузурида маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини контроль қилувчи 4 комиссия тузилган.

Партия-давлат контроли органлари билан бир қаторда контроль комиссиялари ҳам кўпгина фойдали иш қилишлари мумкинлигини бу комиссиялар фаолияти яққол кўрсатиб турибди. Давлат планларининг бажарилиши ни ҳамда кооперация йўли билан маҳсулот етказиб берилишини контроль қилувчи комиссия аъзолари «Ўзбекхлопкомаш» заводи керакли маҳсулотларни етказиб бермаётганлигини аниқлаб, бу ҳақда мазкур завод маъмуриятига мурожаат қилдилар. Аммо бу мурожаатлар оқибатсиз қолди. Шунда комиссия раисининг ўринбосари ўртоқ Шиленков завод ўз шартномасини бажармаётганлиги ҳақида матбуотда мақола билан чиқди. Орадан кўп ўтмай тегишли материаллар келтирилиб, «Коммунар» заводи коллективи давлат топшириғини ўз вақтида муваффақиятли бажарди.

Янги техниканинг жорий этилишини назорат қилувчи комиссия аъзолари эса станокларнинг янги нусхасини ўзлаштиришни тезлаштиришда бош-қош бўлдилар. Станок ўрнатилгандан кейин заводда иш унуми ошди, маҳсулот таннархи эса камайди. Завод шунинг ўзидан 3873 сўм тежам олди ва қариб 3 тонна металлни иқтисод қилишга эришди.

Бироқ шунга қарамай, заводда брак маҳсулот ишлаб чиқариш ҳали камайгани йўқ. Фақат ўтган йилнинг ўзида брак маҳсулот ишлаб чиқариш заводга 31 минг сўмдан зиёд зиён келтирди. Шундан 29 минг сўми қуюв цехи бўйича бўлди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини назорат қилувчи комиссия аъзолари кўмаклашувчи группа ва постлар билан ҳамкорликда брак маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин камайтириш йўлларини ўргандилар. Уларнинг таклифи билан апрель ойи бракка қарши кураш ойлиги деб эълон қилинди. Брак маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйган цех, бригада ва айрим кишилар нима учун бунга йўл қўйганликлари ҳақида кўмаклашиш группаси ва комиссия аъзоларига ҳисоб берадилар. Айрим кишиларнинг айби билан йўл қўйилган брак конкрет айбдорлардан ундириб олинади.

Бу тадбир яхши натижа бермоқда, шу ойнинг ўтган кунлари ичида бракчилар деярли бўлмади.

Кейинги пайтда заводда электр қувватидан фойдаланишни текшириш юзасидан рейд ўтказилди.

«Коммунар» заводида партия-давлат контроли жамоат контроли билан қўшиб олиб борилаётганлиги ва бу ишда ижобий натижа бераётганлиги кўмаклашиш группалари партия контроль комиссиялари ва жамоат ташкилотларининг бошқа контроль органлари ҳамкорликда бемалол иш олиб бориши мумкинлиги ва лозимлигидан далолат бермоқда.

С. ЧЕРНЕР,
Андижон шаҳар партия комитетининг инструктори.

НИШТАР САТРЛАР

СУВСИЗ ЗЕЛЕНИЙ

Сариқ тўрғ, Тулкичи ота, Питомник деб аталган қишлоқлар ўрнида Зеленой посёлкаси бунёдга келганига анча йил бўлган. Бу ерда 1200 дан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Бироқ ҳануз ичимли сувга ёлчимаймиз. Посёлка аҳолиси кўп вақтини тиниқ ва тоза сув қидириш билан ўтказмоқда.

Чирчиқ шаҳар водопровод конторасининг директори ўртоқ Соколовдан ва шаҳар ижроия комитетидаги ўртоқлардан посёлкамизга сув келтириш ҳақидаги талабимизни тезроқ ижро этишини сўраймиз.

Ж. САРИЕВ,
Қ. ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Ж. МИРЗАБЕКОВ,
посёлкада яшовчилар.

ТЕЛЕФОН МОЖАРОСИ

Мабодо Хўжаобод район қишлоқларидан телефон қилиб, бошқа шаҳарни заказ қилган бўлсангиз, айтиб қўйайлик, ҳечам гаплаша олмайсиз, чунки Хўжаобод алоқа бўлимидаги ўртоқлар қишлоқ аҳолиси олдидаги ўз бурчини ёмон бажарадилар. Улар бу хатти-ҳаракатлари билан халққа ҳурматсизлик қилинаётганлигини тушуниб етмаётирлар, чамаси. Қишлоқлардан юборилган телеграммалар ҳам вақтида жўнатилмайди.

А. БАГИШЕВ.

ЧАНГГА БОТГАН МАЙДОН

Тошкентнинг собиқ Чорсуси ўрнида очилган Охунбобоев майдони айниқса кечқурунлари меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқарадиган сайргоҳ жойига айланган. Бироқ кейинги пайтларда «Горочистка» бу майдонни озсда тутиш ишига аҳамият бермай қўйди. Шунинг учун ҳам бу ерда ўтириб бўлмайди: Кўчадан ўтаётган автомашиналар кўтарган чанг нишини безор қилаётир. «Горочистка» ходимлари эса бу аҳволни кўрганлари ҳолда бепарво қараб келмоқдалар.

Ғ. ЖЎРАЕВ.

ПАЙПОҚ ИЗЛАБ ТОШКЕНТГА БОРДИК

Сурункасига тўрт дам олиш куни район маркази — Тўйтепага қатнаб, ўзимизга пайпоқ тополмагач, бешинчи дам олиш куни атайин Тошкентга тушдик. Афсуски, кун бўйи қидириб, ҳеч қаердан эркаклар пайпоғини тополмадик.

Наҳотки, республика Савдо министрлиги ва «Узбенбирлашув» аҳолининг енг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришга шунчалик эътиборсиз қараса.

И. РАИМБЕКОВ.
Ўрта Чирчиқ районидаги 43-мактаб ўқитувчиси.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ НОМИДАГИ КОРХОНА

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 93 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Баланд постамент ярқираб турибди, қизил гранит қуёш нурини акс эттирмоқда. В. И. Ленин постамент устида олдинга сал интилган ҳолда Москвага назар ташламоқда.

Электромеханика заводи дарвозаси ёнида вивескалар кўп: политехника институтининг филиали ҳам, техникум ҳам, катталар учун ўрта мактаб ҳам, Владимир Ильич номидаги завод музейи ҳам шу ерда жойлашган.

Владимир Ильич номидаги...

Заводнинг бу номида энг инсоний кишига бўлган чексиз муҳаббат, қалб қарорати ўз ифодасини топган.

Маълумки, ҳар қандай йирик корхона ҳузурида музей ташкил этиш мумкин, лекин ҳар бир заводнинг ҳам ўтмиши ва ҳозири бу заводникн каби бой эмас. Бу ерда ҳар қарич ер тарихни эслатади.

Аввало, жонли гувоҳ тўғрисида айтиб ўтайлик. Йўқ, «гувоҳ» сўзи мос келмайди. Бу киши ўз қўли билан тарихни яратган. У 83 ёшга кирди, олтмиш йилдан буён Коммунистик партия сафида! Ҳозир ҳам серғайрат, тетик ва дадил.

— Пенсия боп эмасман... —кулади Николай Яковлевич.

Бу—отишма овозини эшитиб, цех деразасидан сакраб чиққан ишчи ўша Ивановнинг ўзи. У цехдан чиққанда ярадор бўлган Ленинни олиб кетишган, ҳовлида тўпланган болалар эса: «Иванов амаки, тўппонча отган хотин Серпуховка томонга қочиб кетди!» деб бақиришган эди. Иванов дарвозадан отилиб чиқди ва террорчи Фанни Капланни ушлаб, уни тегишли органларга топширди.

Кейинчалик Николай Яковлевич судда сўзга чиқиб:

— Революция учун ўлимга ҳам тайёрман, ишчи-деҳқон ҳокимияти учун ҳаётимни қурбон қилишга тайёрман. Фақат мен ўзим эмас, мени бу ерга юборган Михельсон заводининг ҳамма ишчилари революция учун жонларини фидо қилишга тайёр, — деган эди.

Завод Владимир Ильич номи билан атала бошлаганига 40 йилдан кўпроқ бўлди. Ана шу йиллар тўғрисида 40 том китоб ёзиш мумкин.

Кексалар ўтмишни хотирлашни яхши кўрадилар, дейишади. Бу ҳамма вақт ҳам тўғри эмас. Завод ветерани Николай Яковлевич ёшлар билан учрашганда, ҳозирги кун тўғрисида завқланиб гапиради.

Ҳозирги кун эса ёнгинамизда, ҳар бир киши ўз кўзи билан кўриши мумкин: Москванинг энг қадимий заводларидан бири кенгайди, юксак поғонага кўтарилди, мустаҳкамланди ва яшарди.

Заводнинг ҳозирги маҳсулоти— мукаммал электродвигателлар, кўчма электростанциялар, турли механизмлар, жумладан кир ювиш машиналари ҳам музейда қисман кўрсатиб турилади. Ана шу музей заводнинг ҳозирги куни тўғрисида ҳам ҳикоя қилади...

Завод революцион традицияларга бой, бу шонли традициялар ҳамма ишда, шу жумладан меҳнатнинг янги формасига ўтишда, прогрессив техника ва технологияни ўзлаштиришда ўз ифодасини топмоқда.

— Гап янги корпусларда эмас... —дейди Николай Яковлевич. — Корпусни қуриш ҳаммадан осон иш. Унинг ичида нималар бўлаётганига бир қаранг!

Бир вақтлар В. И. Ленин бу завод ишчиларига:

— Ўз революцион ишларингизни ижод этингиз!— деб йўлланма берган эди.

Заводда 40 йилдан буён ҳар қандай янги иш доқийнинг ана шу йўлланмасига мувофиқ бошланади.

Ёш ишчи Альберт Кубарев ўз бригадаси билан бутун заводни ҳар бир иш жойида юксак меҳнат унумдорлигига эришишга чақирди. Унинг ўзи станокни мукаммал ўрганди, наладчикдан воз кечди, етти кишининг ишини қила бошлади. Лекин бу ҳам унга камлик қилди, у ўз участкасида, цехда, бутун заводда ҳар бир кишининг ўзи каби ишлайдиган бўлишини истарди. Кубарев ташаббуси кенг ёйилди.

Альберт Кубарев ҳали ёш, жуда ёш. У рассомликка ва философияга, спортга ва адабиётга қизиқади. Яқинда Москвада унинг «Ҳаммаси учун жавобгармиз» деган китобчаси босилиб чиқди. Дуч келган жойдан ўқиб кўрайлик:

«Киши лоқайд бўла олмайди. У коллективдаги ҳар қандай иш билан қизиқиши керак».

Худди шу ерда қуюв цехининг ишчиси Андрей Хазов ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, фалокатнинг олдини олганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

Яна ўқиймиз:

«Баъзан: «Коммунизмга борганимизда...» деган гапларни эшитиш мумкин. Мен «борганимизда» сўзини ёмон кўраман. Мен бошқа сўзларни — «қуряпмиз ва қурамиз» сўзларини яхши кўраман. Биз коммунизмга чемодан кўтариб бораётганимиз йўқ. Биз коммунизмга ўроқ ва болға билан бормоқдамиз. Йўл қурувчилар кирка, лом, бульдозер билан қандай йўл очиб олға борсалар, биз ҳам шундай бормоқдамиз, қурмоқдамиз ва олға юрмоқдамиз».

Биз Кубарев тўғрисида гаплашганимизда, Николай Яковлевич Ивановнинг кўзлари порлаб кетди:

— Чинакам ленинчи! — деди у.

«Чинакам ленинчи» — заводда энг юксак мақтовдир.

Заводдз ёшлар кўп. Қаёққа қараманг—ёш йигит ва қизларни кўрасиз. Мактаб партасидан, олий ва ўрта ўқув юртларининг аудиторияларидан тўғри шу ерга келишади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам цехлари кенг ва янги қурилишлар кетаётган завод ёш бўлиб кўринаётгандир. Лекин бу ерда ўтмишни унутишмайди, бу йил заводнинг 115 ёшга тўлиши эсларида. Ветеранлар хонасида бўлмаган бирорта ҳам ёш ишчи йўқ. Бу хонада кекса ишчилар ҳафтада бир марта тўпланадилар, тажрибаларини ёшларга ўргатадилар, шонли традицияларга тўғрисида сўзлаб берадилар.

Музейдаги каби, ветеранлар хонасида ҳам кўпгина мамлакатларнинг ишчи делегацияларн: венгрлар ва чехлар, поляклар ва немислар, хитойлар ва корейслар, инглизлар ва америкаликлар кекса ишчилар билан учрашганлар. Турли мамлакатлардан келган делегацияларг заводга совға тортиқ килганлар. Бу совғалар завод музейида сақланмоқда. Юзлаб ишчилар чет эллардаги дўстлари билан хат ёзишиб турадилар. Улар ўзлари ҳақида, ўлмас Ленин номидаги завод тўғрисида, ажойиб традициялар ҳақида ёзадилар.

Семен ГАРИН.



Чорвоқ ГЭСи қурилишига мамлакатимизнинг турли томонларидан ҳар куни кўплаб ёшлар келмоқдалар. Улар дарҳол ишга киришиб, янги нурхонани тезроқ фойдаланишга топшириш учун олиб борилаётган куришда антив қатнашмоқдалар. СУРАТДА (чапдан ўнгга): қурилишда намуна кўрсатиб ишлаётган ёш трактор-чи Г. Сибгатуллин, бульдозерчи М. Санькова, ишчи Р. Сибгатуллина, арматурачилар бригадасининг бошлиғи В. Япринцев ва навбатчи электромонтёр Р. Исмоилов ўртоқлар.

Р. Жабборов фотоси.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШДА

ОЛОТ (Бухоро области), 5 апрель. (ЎзТАГ). Аму—Бухоро машина каналига ток берадиган юқори вольтли линия зарбдор суръатлар билан қурилмоқда.

«Средазэлектросетьстрой» механизациялашган колоннаси қум саҳролари орқали ўтиб, Бухородан Олотга томон силжимоқда. Бу участкада юзга яқин тиргак ўрнатилди. Ишлар графикда белгиланганидан тез бажарилмоқда.

Май олди вахтасида туриб ишлаётган Риштон Сатторов, Евгений Цветков, Алексей Дрон бошлиқ монтажчилар ва қурувчилар бригадалари ғоят унумли ишлаб, топшириқни анча ошириб бажармоқдалар.

Аму—Бухоро канали тўла электрлаштирилади. Бу ерга ток чўллар орқали келиб, Амударё сувини Бухоро области далаларига оқизадиган иккита станциянинг кучли насосларини ҳаракатга келтиради. Қурувчилар машина каналига муддатидан илгари ток беришга аҳд қилдилар.

АМУДАРЁНИНГ ҚУЙИ ҚИСМИДА НАВИГАЦИЯ БОШЛАНДИ

ХЎЖАЙЛИ, 5 апрель. (ЎзТАГ). «Михаил Шолохов» теплоходи Амударёнинг қуйи қисмида етти йилликнинг бешинчи йили навигациясини бошлаб берди. Теплоход «Урал» баржасини шатакка олиб, Хўжайли пристанидан ўчсой портига 260 тонна пахта толаси етказиб берди. «Михаил Шолохов» теплоходи кетидан «Некрасов» ва «Волгоград» теплоходлари ҳам баржа карвонларини шатакка олиб кетдилар.

Амударёнинг қуйи қисмидаги дарёчилар бу йил 110 минг тоннадан кўпроқ пахта толаси ташийдилар.

ЭЛЛИК МИНГ ЭГИЗАК

НУРОТА (Самарқанд области), 5 апрель. (ЎзТАГ). Йирик қўйчилик районн ҳисобланган Нурота совхозларида кўкламда олинган қорақўл қўзиларининг учдан бир қисмини — қарийб эллик минг бошини эгизаклар ташкил этади. Бунга наслни кўпайтирадиган стимуляторни кенг қўлланиш натижасида эришилди.

«Коммунизм» давлат наслчилик заводининг фермаларида бу йил айниқса кўп эгизаклар олинди. Бу ердаги фермаларнинг ҳаммасида ёш моллар олиш проценти кескин суратда кўпайди. Илғор хўжаликда эгизаклар ҳисобигагина қарийб саккиз минг қўзи олинди.

ПАХТА МАЙДОНЛАРИ ЧИЗЕЛЛАНМОҚДА

ЯЙПАН («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Фарғона областидаги Киров ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларида Усть-Лабинск ғаллакорларининг, янгийўллик пахтакорларнинг ватанпарварлик чақириғи асосида дала ишлари кучайтириб юборилди.

«Ғаниобод» совхози 1-бўлимининг пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 7 центнер оширишга аҳд қилдилар. Бунинг учун қолоқ бригадаларни олдингилар қаторига етказиш тадбирлари кўрилди.

Бўлимнинг 700 гектар пахта майдони шу ернинг шароитига қараб чуқур ағдарма қилиб ҳайдалди. 210 гектар пахта майдони сифатли чизелланди.

БЕДА ЭКИБ БЎЛИНДИ

ЗИРАБУЛОҚ («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Норпой ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликлари дала экиш планини тўла бажардилар. «Коммунизм» колхози 103 гектар, «Пахтакор» колхози 60 гектар, Охунбобоев номли колхоз 37 гектар ерга беда экди.

Ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозларда маккажўхори ва лавлаги экиш қизғин бораётир. Кейинги кунларда 130 гектар ерга маккажўхори экилди. «Москва», «Самарқанд», Карл Маркс номли, Свердлов номли колхозлар экин экишда олдинда бораётир.

ЕР НИДОСИ

(ЧИМҚЎРҒОН ЛАВҲАЛАРИДАН)

Дала улкан. Ишга жадаллаб,
Ҳар тонг чоғи ўтсам мабодо
Ер бағридан қулоқларимга
Чалинади шундай бир садо:
Неча, неча замонлар ўтди,
Хонлар ўтди лашкарин тортиб,
Карвонлар ҳам ўтди бу ердан
Зил-замбилден юкини ортиб.
Қарчиғайин тутиб, учириб
Овчи ўтди қувиб оҳуни.
Тингламади ҳеч кимса у чоқ,
Ер сўзига солмади қулоқ.
Сен тингладинг, совет кишиси,
Сен ишладинг — орзу ечилди.
Қадамингдан жон топди чўллар,
Кенг чўлларда гуллар очилди...

НЕВАРА ВА ЧОЛ

Супа. Икки киши. Иккиси ҳам шан,
Гўдак қўлда ўйнар, қийқирар маъсум.
Мўйсафид бобоси жилмайиб ўйчан
Унга тўймай боқар, юзда табассум.
Гўдак талпинади, талпинади шўх
Қанот чиқарса-ю қуш бўлса гўё.
Гўданна боқар-да кейин шўх сувга —
У менса кўзларда бир олам зиё.
Анҳор каналига бугун биринчи
Сув келди! Пастликда оқар айқириб.
У чол кўзларига шаффоф кўринар —
Ҳатто чўмилмоққа турар шайланиб.

Низомжон ПАРДА.

Термиз.



СИФАТЛИ ЭКИНГ

(КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА)

Тупроққа чигит тушди. Деҳқонларимиз кузги тоғ-тоғ хирмонни кўзлаб, ҳар бир уруғнинг квадратларга аниқ жойлашиши учун пахтакорлик санъатини ишга солмоқдалар. Айниқса республикамизнинг жанубн — Сурхон, Қашқа водийларида иш қизиб кетди. Термиз районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари чигитни узоғи билан ўн кунда экиб бўлиш нораларини кўряптилар. — деб ёзади С. Ражабов. Ф. Норқўчқоров ўртоқлар. Трактарчи Мукаррам Икромов, Парда Чориев, Мейлиқул Қодиров ўртоқлар ўз агрегатларини моҳирлик билан бошқариб, уруғнинг квадратларга аниқ жойлашишини таъминила моқдалар. Колхозда уч кунда 120 гектар ерга чигит экилди. Косон районидаги «Москва» колхозидан Б. Ниёзов, Денов районидаги «Галаба» колхозидан И. Эрданаев, Яккабоғ районидан Ш. Маҳмудов, Шаҳрисабз районидаги «Партия XIX съезди» колхозидан М. Қодиров ўртоқларнинг хабар беришича, бу хўжаликлар ҳам экишга катта тараддуд кўрган ҳолда киришганлар.

Шаҳрисабз районидаги «Партия XX съезди» колхози далаларида— деб ёзади ўртоқ Х. Раҳматов, — 21 та экиш агрегати ишламоқда. График бўйича ҳар куни 110 гектар ерга чигит экилиши керак. Механизаторлар уни ошириб бажармоқдалар.

Сирдарё соҳилларида фойдаланилмаётган катта майдонлар бор, — деб ёзади фарғоналик Тургунбой Ўринбоев, — «Ферганаводстрой» 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг коллективи 4 экскаватор, 20 скрепер ва кўплаб бульдозерлар билан қисқа муддатда бу массивдан 500 гектар ер ўзлаштирди.

Поп районидаги Ленин номли, Олтиариқдаги «Ленинизм», Жданов номли, Киров районидаги «Ўзбекистон» колхозларида ҳам экишга катта тайёргарлик билан киришилганлигини Ж. Маматалиев, Ж. Жамолов, Н. Охунов, А. Ҳасанов ўртоқлар маълум қилишган. Н. Рауфжонов, Т. Азизов ўртоқларнинг хабарида «Узсельхозтехника» Олтиариқ район бўлимининг мелиоратив отряди ишчилари қисқа муддатда 220 гектар бўз ерни ўзлаштиргапликлари айтилган.

Совур келди — экинга давр келди! Москва районидаги Тельман номли колхоз пахтакорлари тажрибакор деҳқонларнинг ана шу мақолига амал қилиб, ҳаво исиши билан ерга уруғ ташлай бошладилар, — хабар қилади ўртоқ И. Хусанов. З. Азаматов, А. Охунжонов, Т. Усаров, А. Собиров, Ж. Исаев, Р. Каримов, О. Мўминов ўртоқларнинг хатларида Хўжаобод районидаги Димитров номли, Чуст районидаги «Ленин йўли», Москва районидаги «Комсомол», Янгиқўрғон районидаги «Москва» колхозларида чигит экишга киришилганлиги айтилган. Шунингдек Тошкент, Самарқанд областларининг кўпчилик хўжаликлари ҳам экишга шайланиб киришдилар. Айниқса партия ва ҳукуматимизнинг пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш тўғрисидаги қарори қишлоқ механизаторларининг ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Янгийўл бошқармасидаги Ленин номли колхоз раиси Нишонали Авезов бундай деди:

— Бу қарор пахтакорлар ҳақида қилинган катта ғамхўрликдир. Масалан, бизнинг колхозни олиб қарайлик: хўжалигимиз бу йил план бўйича давлатга 5413 тонна пахта етказиб бериши керак. Агар биз шу планни бажарсак, давлатга сотган пахтамиз учун 361 минг 756 сўм қўшимча даромад оламиз.

Колхоз пахтакорлари, — деб ёзишади О. Тиловбердиев, Т. Нишонбоев ўртоқлар,—бунга жавобан она-Ватанга 5413 тонна ўрнига 6 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғладилар. Ҳозир далада 36 сеялка билан чигит экиляпти. Бўка районидаги Жамбул номли, Янгийўл районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Пойариқ районидаги «Правда» колхозларида ҳам экиш уюшқоқлик билан бошланди. Н. Рамазонов, Т. Суяров, И. Хоминжаев ўртоқлар бу хўжаликларнинг пахтакорлари экишни қисқа муддатда сифатли ўтказиш учун қурашаётганликларини билдирадилар.

Янги «оқ олтин» водийси — Сирдарё область пахтакорлари ҳам экишга киришдилар. Жиззах районидаги 5-совхоз ишчиси Пўлат Абдулаҳадов совхознинг донгдор пахтакори Наибек Алибеков ҳақида бундай деб ёзган: Наибек—чўл фарзанди. У бошлиқ бригада бу йил 125 гектар ернинг ҳар гектаридан ўтган йилдагига нисбатан 4 центнердан кўп ҳосил кўтармоқчи. Бригада ерлари экишга сифатли тайёрланди.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Обида Ҳамроева бошлиқ бригада, — деб ёзади ғиждувонлик З. Саъдиев, — «Гулистон» колхозида биринчи бўлиб чигит экишга киришди. Бригадирнинг ўзи «универсал»ни бошқариб, қисқа муддатда 40 гектар ерга квадрат-уялаб уруғ экди.

Машъал Хоразм области ва Қорақалпоғистонда ҳам чигит экишни оммавий суратда бошлаб юбориш учун зўр тараддуд кўрилаётир. Амударё районидаги «Ленинизм» колхозида чигит экиладиган 1000 гектар ер текислаб қўйилди. Агрегатлар шай. Бу ерда, деб ёзади ўртоқ Р. Жуманиёзов, эрта-индин экишга киришилади. Тўрткўл районидаги «Партия XXI съезди», Янгиариқ районидаги «Москва», Хева бошқармасидаги Охунбобоев номли, Шовот районидаги Чкалов номли колхозларда экишга пухта тайёргарлик билан киришилганлигини Қ. Малаев, А. Раҳимов, О. Олларберганов, Э. Бегматов ўртоқлар маълум қилишган. Шовот бошқармасидаги «Москва» колхозида 120 гектар ерга квадрат-уялаб, 305 гектар ерга эса уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан чигит экилади.

Кўклам куни санайди. Ана шу ғаниматкунларда сусткашликка йўл қўяётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Шаҳрисабзлик ўртоқ У. Салимовнинг ёзишича, райондаги «Қизил юлдуз» колхозида 7 та сеялка ремонт қилинмагани ҳолда далага чиқарилган.

Гурлан бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозда пахта майдонларининг бир қисми шу кунгача текисланмаган. Катта майдонларнинг,— деб ёзади ўртоқ М. Абдураҳимов, — шўри шу кунгача ювилмаган. Шўрчилик ўртоқ Р. Бойназаровнинг ёзишича, Киров номли колхозда шу қизғин кунларда бир қисм колхозчилар дала ишларидан четда қолмоқдалар. Улдона Каримова, Ҳадича Маматқобилова, Ҳайитгул Мелиқулова, Ойсулув Сувоноваларшулар жумласидандир. Колхоз правлениеси ялковларга нисбатан бирор чора кўрмаётир.

Р. Жуманиёзов, И. Нуримбетов, А. Ўринбоев, Т. Исмонлов, Ю. Абдуалимов ўртоқларнинг хабарида айтилишича, Оққўрғон районидаги 2-«Оққўрғон» совхози, Янгийўл районидаги Навоий номли колхоз, Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозларида экишга қатнашиши зарур бўлган техниканинг бир қисми ҳалигача ремонт қилинмаган. Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхозида 37 сеялкадан энди 15 таси ремонтдан чиқарилган. Бу аҳволда чигитни қисқа муддатда экиб бўлмайди.

Мўл «оқ олтин»га шу кунларда замин қўйилади. Кузда тоғ-тоғ хирмон кўтараман, деган деҳқон ҳозир чигитни вақтида, соз экиб олиб, уни текис ундириш чораларини кўради. Марра — вақтида, соз экканники!

Электр линиялар шай бўлса, энергия кам сарфланади ва нобуд бўлмайди. Шунинг учун 1-қурилиш-монтаж бошқармаси монтёрлари Наманган районидаги «Узбекистон» колхозида янги-янги электр тармоқлари ўтказмоқда. СУРАТДА: янги линияни фойдаланишга топшириш олдидан охирги ишлар бажарилмоқда.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

И Р О Д А

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

— Тоғ факультетида бир қиз ўқирмиш. Практика пайтида кўрамиз, шахтага тушгани юраги бетлармикин?

Фотиҳа 1939 йили Тошкент индустриал институтининг биринчи курсига ўқишга кирганда бир тўда ўсмирлар, афтидан юқори курс студентлари бўлса керак, шундай деб хо-холашиб кулишган эди. Ҳақиқатан ҳам бу курсда Фотиҳадан бошқа на рус қизи, на ўзбек қизи бор эди. Ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам «Синглим, жуда оғир касб танлабсиз, шахталарга тушганда қийналиб қолмасмикинсиз, ё бошқа, енгилроқ факультетга ўтказиб қўяйликми?», дейишган. Бундай гаплардан сўнг, Фотиҳа бир оз ўйланиб қолса-да, отаси Муҳиб аканинг уни шу институт даргоҳига етаклаб келиб: «Қизим, сен шу илмни, рус тилини яхшилаб ўрган» деган сўзлари эсига тушиб, яна ўзини босар, ҳамма нарсани унутиб фанга, лекцияларнинг маззини чақишга киришиб кетарди.

Иккинчи курсдамикин, уларни практикага олиб чиқишди. Фотиҳа шахтани умрида биринчи бор шу ерда кўрди. Студентларга махсус комбинезон, шахтёрлар лампаси беришди. Практикантлар орасида Фотиҳани ҳам деярли таниб бўлмас эди. Илгари аудиторияларда, гап келганда шахтани ваҳима билан тасвирлаб, ёш студент қизнинг юрагига гул-гула солмоқчи бўлган шўх, сергап курсдош йигитлар забонига тушиш олдидан ҳеч тегажаклик қилишмас, балки Фотиҳа олдида ўз ҳаяжонларини яширишга тиришиб, унга далда беришмоқчи бўларди. Фақатгина практикага бошлиқ бўлиб келган ўқитувчигина «Фотиҳа Муҳибовна, қалай, қўрқмаяпсизми?» деб сўради. Фотиҳа ҳаяжонини босиб унинг саволига «ҳеч» деб жилмайиб қўйди. Улар клет (лифтга ўхшаш махсус машина)га тушишлари билан, унинг эшиги ёпилди-да, пастга қараб шувиллаб тушиб кета бошлади. Клет борган сари тезлашарди. Ўрганмаганиданми, юраги шувиллаб, қулоқлари шанғиллаб кетди. Фотиҳа курсдошларига қаради: йигитлар бир оз чўчинқираган бўлишса-да, сирни бой беришмасди. Шу пайт клет тўхтади-да, эшиги очилди. Бир шахтёр рўпарада жилмайиб турарди:

— Ие, студентлар-ку! Хуш келибсизлар, меҳмонлар!— деди у икки қўлини кўксига қўйиб.

—Амаки, ҳозирча меҳмонмиз-у, ўқишни битирсак, бутунлай келамиз-да, қабул қиласизми ўшанда?— ҳазиллашди студентлардан бири.

— Бажонидил, жиян, бағримиз она-ер бағридек кенг, иш мўл, сиздақа азаматларга қўлоч очамиз. Кела қол, сенга белги қўйиб қўяй, кейин адашмасдан топиб, ўз бригадамга оламан,— деди кулганича ҳалиги шахтёр ва қўлини студентнинг пешонасига суртиб қўйди. «Гурр» этиб кулгу кўтарилди.

Фотиҳа ўша биринчи практика кунини сира ёдидан чиқармайди. Чунки, ўша куни ўз касби билан юзма-юз учрашган, шахтёрларнинг мардлиги, шахтанинг оғир, аммо романтик руҳи ўзига ром қилиб олган эди. Шахтанинг қоронғи, тепадан чакка томиб турадиган шалоббо йўлаклари, кўмир қатламлари унинг учун шунчалик қадрдон бўлиб қолган эдики, ҳатто шахтага тушганда, юқорига чиққиси келмас эди, деса лоф қилмаган бўларди. Ҳа, ҳар касбнинг ўз ғашти бўлади, шахтёрлик касби, тоғ илми ғайратли қизни бутунлай ўзига мафтун этди.

Тоғ мастери бўлиб ишлаб юрган кезларида бир қизиқ воқеа юз берди: бир куни камера (тўртбурчак қилиб қазиладиган забой)да электр пармани эндигина юргизаман ҳам деб турган эдики, кўмирдан бўшаган қатлам тепасидан шувиллаб тўкила бошлади. Фотиҳа ўзини четга олишга улгуролмай қолди — ўпирилиб тушган тошгупроқ зарб билан урилиб, уни оёқдан йиқитди ва ўзи билан қўшиб, пастга вагонеткаларга юмалатиб кетди. Бирга ишлаётган шахтёрлар югуриб келишди, ҳамма ёғи тупроққа беланган, аммо соппа-соғ Фотиҳа вагонеткадан қоқина-қоқина чиқиб келарди. Бундай воқеалар кўп учрар, аммо шахтёрлар ҳамиша «ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» деган ўз қонунлари асосида ҳар қандай шароитда ҳам бир-бирлари билан ҳамдам эдилар.

Улуғ Ватан уруши йиллари эди... Оилада юз берган қийинчиликларга қарамай, Фотиҳа ўқишини давом эттирди, практика пайтларида, ёзги каникул пайтларида Қизилқия, Қарағанда, Сулукта ва бошқа шахталарда шахтёрлар билан ёнма-ён туриб кўмир қазиди.

1944 йили Фотиҳа институтни аъло баҳолар билан тамомлагач, институтда аспирантурада қолди. У тоғ факультетининг студентлари учун биринчи бўлиб ўзбек тилида «Тоғ иши» фанидан лекция ўқиди. Фойдали қазилмаларни ишлаш кафедрасининг мудири профессор А. С. Попов раҳбарлигида ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган темада илмий-кузатиш ишлари олиб борди.

Бўлғуси олима шахтада ишлаб юрган маҳалларида штреклар (ер ости йўллар)нинг тузилиши, ҳолатини кўп кузатарди. Илгарилари штреклар ҳамиша кўмир қатламларидан ўтказилар, кўмир қазиб олиш учун қатламлар портлатилганда ундаги мустаҳкамлагич ёғочлар синиб кетарди. Уларни яна тиклаш эса қимматга тушарди. Агар штреклар атрофидаги кўмирлар қазилмай ташлаб кетилса, исроф бўлар, бунинг устига хавфли ҳам эди: қолдириб кетилган кўмирлар ўз-ўзидан ёниб кетиши — шахтада ёнғин чиқиши мумкин. Кейинчалик штрекни кўмир қатламидан эмас, унинг остидаги тоғ жинсидан ўтказиш масаласи кўрилди. Ўрта Осиё шахталарида ана шу усулга ўтилди. Аммо, қалинлиги 8-10 метр бўлган тоғ жинсидан юқоридаги кўмир қатламларида қазув, портлатиш ишлари олиб борилганда, штрекларга қанчалик таъсир қилиши ўрганилмаган эди. Фотиҳа тоғ техникасидаги бу «оқ дог»ни ўрганишга киришди. Бунинг учун деярли бир йилча кўмир қатламларида олиб борилган ишларнинг штрекларга таъсири, турли тоғ жинсларининг хусусиятларини ўрганди. Кучли портлашлар натижасида штрекларнинг бузилиш ҳоллари, уларни ремонт қилиш учун сарфланадиган меҳнат — ҳуллас, бу муҳим масала билан боғлиқ бўлган жами кузатишлар назарий ва амалий жиҳатдан исбот қилинди. Янги штрек қазилганда, қатламлардаги ишларнинг таъсири ҳам ҳисобга олинадиган бўлди. 1956 йилда Фотиҳа Муҳибовна «Ўрта Осиёнинг қия тушган катта кўмир қатламларини қазиб олиш усуллари» деган темада муваффақият билан диссертация ёқлаб, техника фанлари кандидати деган илмий даража олди. У ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб ана шу номга сазовор бўлди.

Ҳозир Фотиҳа Муҳибовна Орифова Тошкент политехника институтининг доценти, тоғ факультетида меҳр билан шогирдлар тайёрлаяпти. Шу билан бирга илмий ишини ҳам давом эттирмоқда. «Ўрта Осиёдаги кўмир шахталари тоғ жинсларининг физика-механика хусусиятлари ва босими» деган темада докторлик диссертациясини ёқлаш учун тайёргарлик кўряпти.

* * *

Улуғ адиб М. Горький «Ҳаётда мардлик кўрсатиш учун ҳамиша ўрин топилади» деган эди. Энг қийин касблардан бири — тоғ илмини эгаллаган, бу йўлда ҳар қандай қийинчиликлардан қўрқмай дадил олға борган, ўз илмий ишлари билан тоғшунослик илмига муносиб ҳисса қўша олган Фотиҳа Орифованинг ҳаёти ва илмий фаолиятини мардлик деб номласа арзийди.

М. ХУДОЙҚУЛОВ.

ЖАҲОННИНГ 60 МАМЛАКАТИГА

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикаларидаги саноат корхоналари чет эл давлатларининг кўплаб буюртмаларини бажармоқдалар. Бу буюртмалар 4 республика индустриясининг 80 тармоғи бўйича тайёрланаётган маҳсулотлардир. Ўрта Осиё республикалари жаҳонда 60 мамлакатга металл, нефть, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик машиналари, химия, озиқ-овқат саноати ускуналари, кўтарма кранлар, экскаваторлар, компрессорлар, пахта толаси, газлама, қоракўл тери, қуруқ мева етказиб бермоқда.

Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон саноати ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бу йилги халқаро ярмаркаларда ўрин олади Шарқ мамлакатлари — Ливия, Покистон, Сурия, Туркия, Бирлашган Араб Республикасидаги виставка ва ярмаркаларда намойиш қилинади.

Кейинги йилларда Ўрта Осиё республикалари саноатининг турли тармоқлари тез ривожланмоқда. Фақат Ўзбекистоннинг ўзи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик машиналарига қараганда кўпроқ машина ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон республикалари химия, энергетика, тог-кон саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги кўп мамлакатларга юборилмоқда. Туркманистоннинг Ашхобод ва Мари саноат корхоналари ишлаб чиқараётган машиналардан Корея, Германия Демократик Республикалари, Куба ва Монголияда кенг фойдаланилмоқда.

Қирғизистон республикаси 15 дан кўпроқ мамлакатга энергетика машина-ускуналари жўнатмоқда. Душанба шаҳридаги саноат корхоналарининг маҳсулоти Покистон, Демократик Корея, Чехословакия ва бошқа давлатларда ҳам машҳурдир. Туркманистонда ишлаб чиқарилаётган нефть саноати ускуналарига Болгария, Бирлашган Араб Республикаси, Ҳиндистон, Монголия, Руминияда талаб катта.

Р. АЛИМОВ.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Гидрогеология институти ходимларидан Қ. Тошпўлатов ва С. Зоҳидовлар Тошкентдаги 40 ва 41-мактабларда бўлиб, турли илмий темаларда лекциялар ўқишди.

Ф. ҒОЯИБОВ.

* * *

Меҳнатсевар ўқувчилар ташаббуси билан Янгийўл район.ондаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» мактабида ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси ташкил этилди. Бригада аъзолари 17 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

А. ШЕРМАТОВ.

* * *

Янгийўл районидаги В. И. Ленин номли мактаб ўқувчилари янги боғлар барпо қилишда Киров номли колхоз меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Я. УРИНБОЕВ.

СИРЕН ЁНИДА.

А. Абалян фотоэтюди.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг президиуми ўзининг область ва шаҳар бўлимларига партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашуви якунларига, шунингдек Ўрта Осиё республикалари идеология ходимлари кенгашининг якунларига бағишлаб, журналистларнинг йиғилишларини ўтказишни таклиф қилди. Оммани коммунистик руҳда тарбиялашда матбуот ходимларининг активлигини янада оширишга қаратилган бошқа бир қанча тадбирлар ҳам белгиланди. Жумладан, Тошкентда ва область марказларида журналистларнинг семинарларини ўтказиб, буларда партия ташкилотларининг пропаганда ва агитация ишларидаги тажрибасини, ёшларни меҳнат асосида тарбиялаш соҳасидаги тажрибани матбуотда ёритишга доир масалаларни муҳокама этишга қарор қилинди.

Ишчи ва қишлоқ мухбирларининг шу йил май ойида ўтказиладиган республика съездига тайёргарликда журналистларнинг иштироки тўғрисида қарор қабул қилинди. Газета ва журналларнинг редакцияларига, Союзнинг область бўлимларига активлар билан ишлаш тажрибасини умумлаштириш, ишчи ва деҳқон мухбирларининг рейдларини, ишчи ва деҳқон мухбирларининг журналистлар билан учрашувларини ўтказиш таклиф қилинди. Шунингдек, «Совет матбуоти — янги типдаги матбуот» деган Бутуниттифоқ виставкасига тайёргарлик юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Президиум Союз правлениеси раиси З. И. Есенбоевнинг Жакартада Халқаро журналистлар ташкилоти президиумининг мажлисида ва индонезиялик журналистлар билан бўлган учрашувларда қатнашганлиги ҳақидаги ахборотини тингланди.

Мажлисда область бўлимлари бюроларининг Союзга янги аъзолар қабул қилиш ҳақидаги қарорлари ҳамда Тошкент шаҳар бўлими бюросининг Б. Х. Имомовни журналистика ишидан ажралганлиги ва аъзолик ҳақини тўламаганлиги учун Союз аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарори тасдиқланди. (ЎзТАГ).

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

ЧЎЛ УЙҒОҚ

(НОВЕЛЛАЛАР ЦИКЛИДАН)

1. КУЙНИНГ ТУҒИЛИШИ

Сиз куйнинг туғилганини кўрганмисиз?

Чўлда тонглар қўшиқ билан отади. Қамишлар майса, гулсафсарлар майин шивирлайди. Сабзалар қулоғидаги сирға-шабнам инжудек ялтирайди, лолалар косасида шароб тўлдириб, тонгни олқишлайди. Қушлар қанотлари билан чапак чалса, чигиртқалар чириллайди. Шўх Ану— дирижёр, салобатли оқими билан барча оҳангларни мужассам этаётгандек.

Қўрадан қўйларни ҳайдаб, улкан ғилам-яйловга ёямиз. Устозим, қўйчибон Али аканинг қошлари чимирилган, қўлида най. У узоқ-узоқларга тикилган, ҳавони тўлдирган жамийки товушларнинг ҳаммасини сипқармоқчи бўлгандек чуқур тин олади. Найни лабига олиб борган сари хаёлчан кўзлари яна кичрайиб, лаб очаётган тонгнинг илиқ табассуми унинг юзига югуради. Куй, ҳозир унинг қалбида янги куй туғиляпти.

Най тилга кирди. Ҳа, содда, оддий чўпон таёғидек мўжаз асбобдан қўйчибон қалбидаги илиқ ҳис, ҳаяжон, она диёрга муҳаббат, оппоқ тонглар мадҳияси бамисоли бир ирмоқчадек беполён қирлар бўйлаб қокил ёйиб оқарди. Қўйлар ҳам киртқирт чандон чимтиб, куйни тинглаётгандек бош силкитиб қўйишарди. Майсалар тебранади.

Мен ҳам шу куй оғушида хушхолман. Оҳанглар таниш-дек туюлди менга. Қачон, қаердадир эшитган эдим уни?! Ҳа, эсладим, Йўқ, эшитганим йўқ, кўрганман уни! Қоинот ҳар тонг уни такрорлайди. Куйни ҳам кўриб бўладими, дерсиз? Ҳа, биродар: чўл тонгида туғилган куйни кўрса бўлади, кулманг асло, бемалол кўрса бўлади. Эҳтимол «Чўлу-ироқ» ҳам шундай туғилгандир. Афсуски, уни мен кўрмаганман. Қайси бир журналда ҳозир эсимда йўқ, бир мамлакат олимлари қирга радио карнай ўрнатиб куй чалдирганлари, куй чалинган ердаги ўтлар, гуллар бошқа майдонлардаги сабзалардан тез ўсганлиги ҳақидаги хабарни ўқиган эдим. Ўшанда бунга ишонмай, кулган эдим. Энди ишондим. Куй инсонниги-на эмас, ўтларнинг ҳам чеҳрасини очади.

Табиат кўзга кўринмас нозик қўллари билан ҳар тонг ажиб куй чалади. Унда қилоқ ёзаётган майсалар шитирлаши, ғунча очаётган қирмизи лолалар табассуми, тог ортидан зар кокилларини яйратиб чиқаётган куёш, қизлар ёмғирдек ёнаётган уфқ шафағи, ўтовда сут шопираётган бодом қовоқ чўпон қизнинг козли бокиши — ҳамма-ҳаммаси акс этган. Тонгни қутлаб дурқун қўй-қўзилар маърашади, шабада «марҳамат» дегандек улкан баҳорни елпиғич қилиб силкитади.

Қўйчибон найни тиззасига оҳиста қўйиб, тин олди.

— Али ота, қайси куйни чалдингиз? — сўрадим.

У елка кисди. Аслида ўзи ҳам билмасди янги куйнинг отини. Табиат ўзи унинг номини қўйиб қўйган эди, мен:

— «Соҳибжамол тонг» дедим.

Али ака қувониб кетди:

— Жуда соз, соҳибжамол тонг, ҳа, соҳибжамол...

2. САРТАРОШ

Соқол-мўйловни наридан-бери қириб-қиртишлаб юрардик. Сартарошхона очилди чўлда. Кечқурун қайтсам унинг атрофида очередкн, гўё пойтахт кинотеатрларида фильмлар фестивали бораётгандек. Сартарошхонадан ҳарзамон-ҳарзамонда юзи янги арчилган тухумдек силлиқ, сочлара авайлаб таралган йигитчалар чиқишмоқда. Чиндан ҳам трактор-чи эмас, кинолардаги артистларга ўхшарди улар.

Ниҳоят очиқ эстрадамизда танца тамом бўлиб, оркестр «хайрлашув» маршини чалаётганда менга ҳам навбат тегди. Гиргиттон бўлиб айланарди сартарош ёнимда:

— Қийнаб қўймадимми?

— Устара озор бермаяптими?

— Одеколоннинг қайсисидан...

«Тўрт танганинг бандаси бўлса керак» деб ўйладим ўзимизга янги келган бу сартарош ҳақида. Гапдон, сўз ахтариб киссага кирмайдиган аскиячи, ҳаракатлари ёқимли, бирам чаққонки, дашт қуёши ва чанг-тўзонлан дағаллашиб кетган соқолимни бир зумда сидириб қўйганини сезмай қолдим. Юзимга энди қайта совун пуфаги сиртаётганда танамдан совуқ тер чиқа бошлади. Нохуш сездим ўзимни. Ажаб, ўтирган ўркимда аталадай суюлсам бўладими. Узимнинг лапашанглигимга ўзимнинг ғижинким келиб кетди. Акбар ака нақ пешонамдан келтириб вентилятор қўйди. Кор қилмади. Иссиқ чиқ қуйиб берди. Ундан баттар, сувга тушган товуқдай ёқимсиз тер босаверди мени яна. Асбоблар қўйилган столга пешонамни тирадим. Кейин... нима бўлганини билмайман.

Кўз очсам оппоқ чойшаб ёпилган кроватда ётибман. Ёндаги тумбочка устида шокоса тўла чакки-қатиқ, қип-қизил гармдори аралаштирилган турибди. Тамшандим. Дераза ёнидаги стулда ўрта ёш, қорамағиз ясси юз, ангиш кўз, тўлишганроқ, боқишлари ёқимли хотин менга қараб ўтирибди:

— Дурустмисиз укам, суягингиз енгиллашдими? — сўради аёл ташвиш тортиб. — Уч кун кутдик, эсхонамиз чиқиб кетди. Кўз очавермадингиз, акангиз дўхтир олиб келай, деб бугун шаҳар кетувдилар. Қимирламай ётинг. Оғир тушиб яна узилиб қўйманг, — у кишн қўлтигимдан термометр олиб, унга қаралсин, — ҳали ҳам иситмангиз бор, деди. Бу — сартарош Акбар аканинг хотини экан.

Уч кун! Миямни электр токи тилиб ўтгандай бўлди. Иккиси ишдан, мол-ҳолдан қолиб югурган-елган, бошимда парвона бўлган. Менга ким бўлади улар?! Оддий сартарош, янги чўллик. Қўли эмас, ҳунари эмас, қалби ҳам гўзал экан бу сартарошнинг, йўқ, Акбар акамнинг. Бетоб бўлганим ҳам майлига, баҳона билан шундай ажойиб оға орттирдим, хурсандман.

Дераза-га тикилдим. Чўл тонги ёришиб келяпти. Уша кунги воқеаларни эсламоқчи бўлдим. Хаёлимга «Тўрт танга бандаси...» тушди. Узимдан ўзим изза тортиб, Ҳайри опага қарашга уялдим. Қулоқларим шолғомдек қизарди. Қандай ажойиб, чўл хавосидай покиза, қалби майсага қўнган шабнамдай соф кишилар, ҳавасинг келади уларга. Мен эса, мен эса...

3. ЧЎЛИВОЙ

Тунда қайтдим сменадан. Стол устида конверт турибди. Очдим: «Истасанг борасан. Мен кетдим. С...»

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Нима қилсам? Акамга маслаҳат солдим: «Ўзинг биласан. Кўнглингга ёққанини қил» деди u. Ариза бердим директорга. У деди, бу деди, резинкадай чўзиб юраверди. Охири чидай олмадим, ҳузурига кирдим:

— Мен кетаман!

— Мен бўшатолмайман, завод ҳозир малакали ишчиларга жуда муҳтож. Муҳим заказлар бор...

Ариза устига ариза бериб, йўлга чиқдим. Поезддан кичик бир разъездга тушиб, биринчи учраган кишидан сўрадим:

— Фазли узоқми?

— Чўлликларнинг штабими, ҳа, ҳу ўша Ану бетида, ўн чақиримча.

Пиёда кетаверднм, юким йўқ. Акча юрдим. Йил четида ўтов кўринди. Чанқоқликни босай дея, ўша томонга бурилдим. Ўтовга етай деганимди ичкаридан хотин кишининг қаттиқ чинқирган товуши эшитилди. Кирсамми, кирмасаммн? Нима гап? Бир оз сукут сақлаб, сўнг кирдим. Кирдим-у, бирдан ташқарига отилдим. Орқамга қарамай кетмоқчи бўлиб ўйланиб қолдим. Ўтовдаги хотин тўлғоқ тутиб чинқирган, мен кирганда кўзи ёришган эди. Уни шу ҳолда ёлғиз қолдириб кетиш инсофданми, одамзарчилик шундай бўладими?! Яна чодирга қайтдим. Уялганимдан кўзимни қаёққа қўйишни билмайман. Хотин чимадир деди. Англамадим. У чопқини сўраётган экан.

— Кесинг! — деди тишини-тишига қўйиб. Оёқ-қўлларим қалтираб кетди, тўққан хотинни биринчи кўришим-да. Узимни дадилликка солиб, боланинг киндигини кесдим. Чўлда бунёдга келган бола «ин-га-а, ин-га-аа» товуш берди. Тер босиб кетди мени. Шундай қилиб доя ҳам бўлиб қолдим.

Ташқарига чиққанимда қоронғу чўкиб қолган эди атрофга. Сув ичиш ҳам хаёлимдан кўтарилибди. Ўйлар оғушида кетаётган эдим орқадан машина сигнали эшитилди. Ўзимни йўл четига олдим. Машина тўхтаб яна сигнал бера бошлади.

— Ҳай, йигит, қаёққа боряпсан?

— Комсомолобод!

— Чиқ машинага, — кабина эшигини очди шофёр. Чиқдим. Жим кетдик. Узоқдан қатор чодирлар, янги қурилган уйлар ой ёруғида ғираширо кўринна бошлади.

— Ким керак? — сўради шофёр. «Қизлар ётоқхонаси» демоқчи эдим-у, ўзлиб «директор» дедим. Шофёр менга айёрона бир тикилдида «Ҳозир директор йўқ» деди. Анчадан кейин «бирортаси юрагингдан урсин-дир, бўлмаса қандай шамол учирарди сени бемаҳалда бу ёққа» деди.

— Ҳа, ҳамшаҳар қизларимиз ҳам бор бу ерда, — дедим.

— Энг мехмондўст халқ чўлда шу қизлар, — деди шофёр тормоз босарканн, — туша қол шу ерда. Қизлар «люксия»га кир, ҳалмазон тонг отади.

Киссамни ковлаётган эдим, шофёрнинг ранги оқаринқираб, ваҳоҳати бузилди:

— Бор, боравер, шу ҳамма шофёрлар шилқим бўлади, деб ўйлайсанми сенлар, — деб қўл силтадида, стартёрни босиб, жаҳл билан жўнаб кетди.

Эрталаб Сохиба билан директор ҳузурига бордик. Кабинетда директор билан ёнма-ён бошига айри телпак кийган, кенг юз, яноқлари бўртиб чиққан, ячки соқол, очиқ чеҳрали киши ўтирарди. Чакмон кийиб, камчисини этигининг қўнжига тиқиб олган.

Мен директорга кеча шаҳардан келганимни, совхозда ишлаб қолмоқчи эканлигимни айтдим. Ҳали директор бирор нарса дейишга улгурмасданоқ, ҳалиги киши ўрнидан сапчиб турди:

— Ука, кечирасиз, кеча йўлда бирор ўтовга кирмадингизми сиз?

— Кирувдим.

Эркак мени маҳкам бағрига босди: — Раҳмат иним, мен медпунктдан келгунча янгангнинг кўзи ёриби-ди: ўғил, ўғил, сен менинг, у сенинг ининг бўлади энди, қариндошмиз. Исмини нима қўяй деб сўраб келувдим сендан?

— Чўлда туғилган. Чўливой, — дедим. Янги акам ҳовлиқиб ташқарига чиқиб кетди. Чўлликларнинг севимли кийими — айри телпак келтириб:

— Айбга йўймайсизлар, хамир ҳиндан патир бу. Хамингиз тўғри борасиз, — телпакни менга кийгизиб, чиқиб кетди. Чўлликларнинг одати— энг якин кишисигагина бош кийимини беради. Мен бу кийимда қуйиб қўйган чўлликка ўхшардим.

Сохиба, директор ҳайрон, менга тикилишарди.

С. НУРОВ.

А. М. ГОРЬКИЙ АСАРЛАРИ ҲИНДИСТОНДА

Прогрессив ҳинд ёзувчиси Кришан Чандар ўзини Горькийнинг шогирдиман деган эди. У ўзининг машҳур «Далалар уйғонгач» повестини Горькийнинг «Она» романи таъсирида ёзган. Бу ҳақда у «Биз империализм худоларига қарши курашамиз. бу худолар қаршисида бўйин эгмаймиз. Адабиёт байроғида Горький юраги ёнияпти...» деб ёзган эди.

Бир қатор ҳинд тараққийпарвар ёзувчиларининг танқидий реализм методига ўзининг Горький ижоди катта роль ўйнаган. Унинг асарлари Ҳиндистонда севиб ўқилмоқда. Октябрь революциясидан сўнг 1920 йилда улуғ ҳинд халқи Горькийнинг «Она» романи билан биринчи марта инглиз тилида танишишга муяссар бўлди. Ёзувчининг бу романи таржимон Муниш Саксон томонидан 1957 ва 1960 йилларда кўп минг нусхада ҳинд тилига таржима қилинди.

1957 йили ёзувчининг: «Изергиль кампир», «Челкаш» ҳикояларини ўз ичига олган «Инсонинг туғилиши» номли китоби ҳинд тилида босиб чиқарилди.

Шунингдек, Горькийнинг «Душманлар» пьесаси, «Болалик», «Одамлар орасида», «Менинг университетларим» каби асарлари ҳинд тилларига таржима қилинди.

С. ЙЎЛДОШЕВ.

НАМАНГАН ЯНГИЛИКЛАРИ

КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР

Тобора ободлашаётган Наманганнинг ғарбидаги янги шаҳарча — 4-микрорайонда ҳар бири 44 квартирали яна икки уй битказилди. Бу уйларни Наманган йирик панелли уй-жой қурилиш бошқармасининг Вазит Ҳабибуллин ва Абдубанно Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасн аъзолари қурган. Улар Ҳамза кўчасида яна бир 44 квартирали уйни битказишди. Яна 4 та 44 квартирали уй, 536 ўқувчига мўлжалланган мактаб, меҳмонхона, ётоқхона қурилиши қизғин боряпти.

ХОНАДОНЛАРДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

— Бу йил 2000 хонадонни газлаштирамиз. Наманганлик газчиларнинг шиори шундай. Улар янги йилнинг икки ойида квартал планини бажаришга эришдилар. Яна 325 хонадонга газ плитаси ўрнатилди. Яқинда битказилган олтита 44 квартирали уйга ҳам газ берилди. Ўтган йили 1846 хонадонни газлаштирган ишчан коллектив бу йилги планни декабргача бажариш ҳаракатида ишлаяпти. 4-микрорайон. Ҳамза, Навоий, Октябрь, Коммунист, Маргилон, Ленин номли марказий кўчаларини уйларни газлаштириш тугалланмоқда.

Ҳозир шаҳарда 4300 хонадон узлуксиз газ олиб турибди.

ШАҲАР КЎКАЛАМЗОРЛАШМОҚДА

Шаҳардаги ҳар бир ташкилот территорияси кўкаламзорлаштирилди. Энергокомбинат, шойи тўқиш, Гагарин номли тикувчилик фабрикаси, 2. 3-пахта тозалаш заводлари, йигирув-тўқувчилик фабрикалари механикашлари кўчат ва гул кўчатлари ўтказишда ташаббус кўрсатдилар.

Озгирчча 10 минг тупдан зиёд гул кўчати, 28 минг туп мевали ва бир неча ўн минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,

«Қизил Ўзбекистон» мухбирлар постининг бошлиғи.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БИЛИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯНГИБОЗОР. (Тошкент области). (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси ҳузурида жамоатчилик асосларида ташкил қилинган қишлоқ хўжалик билимларини ўргатувчи икки йиллик университетда машғулотлар бошланди.

Университетнинг пахтачилик, лубкорлик ва чорвачиликдан иборат учта факультетида колхоз бригада бошлиқлари, раислари, агрономлар, инженерлар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан қарийб 300 киши шуғулланмоқда.

Пахтачилик факультетининг дастлабки машғулоти «Правда» колхозида ўтказилди.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг.** 12.20 — **Инглиз тили дарси.** 13.00 — **Гайдар шу ерда яшаган** (очерк).

Рус тилида: 13.30 — **Ньютон қонунлари** («Мактабга ёрдам» циклидан суҳбат), 14.10 — **Юлдуз бола** номли бадиий фильм, 18.00 — **Урта Осиё республикалари ва Қозогистон командалари ўртасидаги гимнастика мусобақалари** (Фрунзе шаҳридан). 19.00— **Бор экан, йўқ экан, бир игна бўлган экан** (болалар учун кинофильм), 19.10 — **Телевизион янгиликлар,** 19.25 — **Концерт** («Қизил тонг» тикув фабрикаси Маданият саройи эстрада оркестри ижросида), 19.50 —**Оргозололиқ бандитлар** номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 21.25 — **Телевизион янгиликлар,** 21.40 — **Концерт** (филармония ашула ва рақс ансамбли ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Фрунзе телевидение студияси эшиттиришлари: 18.00 — **СССР халқлари спартакиадаси олдидан,** 19.00 — **Ёш талантлар,** 19.35 — **Осмон сеҳиннорлари** номли бадиий фильм, 20.55 — **Концерт** (жаҳон халқларининг қўшиқ ва рақсларидан), 21.30 — **Ҳужжатли фильм.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV да кундуз **Дон Кихот,** кечқурун **Гулсара,** 9/IV да **Катта концерт.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV да кундуз **Шубҳа,** кечқурун **Алишер Навоий,** 9/IV да **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IV кеч соат 7 яримда янги спектакль **Ишқинг билан.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 7/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлигида ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концерти.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги аттракцион. **Анатолий Сокол** ўз ёрдамчиси — **электрон-механик киши «Робот» билан.** Бугун 3 марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

КИНО

Каролина Риекская — «ВАТАН» (кеч соат 5, 6-40 ва 8-20 минутда), «ИСКРА» (кеч 7 яримдан), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 11, кеч 5 ва 7 да), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Асп билан юриш — НАВОИЙ номли, «ВАТАН», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Гаспароне — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Жунгли ўт ичида — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва 11-45 минутда), «МИР» (кундуз 12, 4 ва 8 яримда).

Шайтон тузоғи — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4, кеч 8 ва 10 да), «ВОСТОК» (эрталаб 11, кундуз 1, кеч 5 ва 9 да).

Махфий миссия — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 10 да), «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз 2 ва кеч 6 да), «ВОСТОК» (кундуз 3, кеч 7 ва 10-40 минутда).

Оламда қилма гап

ХАЛҚАРО КОММУНИСТИК ҲАРАКАТ БИРЛИГИ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА МАКТУБИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ПРАГА. КПСС Марказий Комитетининг Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетига юборган мактубига бағишлаб, «Руде право» газетаси бош мақола эълон қилди. Бу мактубни, деб ёзади газета, Чехословакия Коммунистик партиясининг барча аъзолари ва қардош коммунистик партияларнинг аъзолари тўла маъқуллаб, кутиб олдилар. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги улар учун азиздир.

* * *

ХЕЛЬСИНКИ. Фин газеталари КПСС Марказий Комитетининг Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетига юборган мактубини батафсил баён қилиб бермоқда. «Кансан уутисет» газетаси мактубни ўз мухбирининг баёнида «КПСС коммунистик ҳаракатнинг ҳозирги йўлини тўғри, демоқда. Хитой Коммунистик партиясига юборилган мактубда халқаро вазият муфассал анализ қилиб берилди» деган сарлавҳа билан босиб чиқарди.

* * *

ВЕНА. «Фольксштимме» газетаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Хитой Компартияси Марказий Комитетига юборган мактубнинг муфассал баёнини эълон қилди. (ТАСС).

АРГЕНТИНАДА АҲВОЛ

ЛОНДОН, 5 апрель. (ТАСС). Аргентина ҳукуматига содиқ бўлган қўшинлар реакцион ҳарбийлар томонидан кўтарилган исёнда қатнашувчи исёнчи ҳарбий кемаларни ҳалқа ичига қаттиқ қисиб бормоқдалар.

Рейтер агентлигининг Буэнос-Айресдан берган хабаридан маълум бўлишича, исёнчилар ихтиёрида фақат битта йирик таянч пункти — Аргентина пойтахтидан 600 километр жанубдаги Баия-Бланка порти якинида жойлашган Бельг Рано ҳарбий денгиз базаси қолди. Ҳукуматга содиқ бўлган пиёда аскарлар, танк ва артиллерия қисмлари базага яқинлашиб келмоқдалар ва улар билан ана шу база ўртасидаги масофа бир неча ўн километр келади.

БУЭНОС-АЙРЕС, 5 апрель. (ТАСС). Аргентинадаги реакцион ҳарбийлар 2 апрелда исён кўтарган эдилар. Ўша пайтдан буён исёнчилар жиддий муваффакиятсизликка учрадилар.

Пунта-дель-Индио ҳарбий базаси районида бўлган жангда исёнчиларнинг 2 самолёти уриб туширилди ва 33 самолёти ўлжа килинди, исёнчи денгиз пиёда аскарларидан 1,500 киши асир олинди.

Ҳукуматга содиқ бўлган армия қисмлари Буэнос-Айресдан 55 километр жанубдаги Рио-Сант-Яго ҳарбий денгиз базасини кўлга олдилар. Кордобада исён кўтарган авиадесант қўшинлари билан ҳукумат кучлари ўртасида тўқнашишлар бўлди. Гражданлардан 500 киши ана шу авиадесантни қўллаб-қувватлади. Исёнчилар таслим бўлишга мажбур бўлдилар.

Аммо, умуман олганда, мамлакатдаги аҳвол номуайян бўлиб колмоқда, чунки исёнчиларнинг асосий кучи бўлган ҳарбий денгиз флоти қандай чоралар кўражаги ҳали маълум эмас.

ТЮРЬМАЛАР НЕГРЛАР БИЛАН ТЎЛИБ КЕТГАН

НЬЮ-ЙОРК, 5 апрель. (ТАСС). АҚШнинг жанубида ирқий камситишга қарши негрларнинг курашн давом этмоқда.

Миссисипи штати пахтачилик районининг марказидаги кичик бир шаҳар Гринвудда сайловчиларни рўйхатга олувчи пункт жойлашган округ суди биносига қараб йўл олган негрлар намойишини полициячилар тарқатиб юборди. 20 киши қамоққа олинди. Бу негрларнинг бирдан-бир айби шуки, улар АҚШ конституциясида эълон қилинган америкалик граждапнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланишга уринганлар.

Мейконда (Жоржия штати) шаҳар парки яқинида ирқчилар билан негрлар ўртасида яна тўқнашув бўлди.

РЕАКЦИОН ТАДБИР

ЛОНДОН, 5 апрель. (ТАСС). Ироқ ҳарбий губернатори генерал Рашид Мослихнинг фармойишига биноан, деб хабар беради Рейтер агентлиги «Ирак таймс» газетасининг хабарига асосланиб, мамлакатда Ироқ Коммунистик партиясининг босмахоналари ва нашриётлари ёпилди.

Цейлонда Совет Иттифоқининг ёрдами билан металлургия заводи қурилмоқда. Бу ерга СССРдан кўпгина қурилиш техникаси ва ускуналар келтирилди. Қурилишда Цейлон ишчилари ва мутахассислари билан ҳамкорликда совет инженерлари ва техниклари ҳам меҳнат қилмоқдалар. СУРАТДА: қурилиш майдончасидаги совет техникаси.

А. Матюшон фотоси. (ТАСС фотохроникаси)

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р 06825 Индекс 64543. Нашр. № 83.